Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 152 (20. 419) • 1989 йил 28 июнь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

26 июнь куни кечқурун СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди.

Палата раиси **Е. М. Примаков** ССР Иттифоқи Раисининг ўринбосари лавозимига Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг ҳозирги Раиси депутат А. А. Мокануни сайлашни таклиф қилади. Раислик қилувчи А. А. Мокануни таъриф-лар экан, унинг катта ҳаётий тажрибасини, Молдавия ССРдаги турли масъулиятли лавозимларда, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари лавозимида катта ҳаёт сабоғини олганини таъкидлайди.

Депутатларнинг саволларига жавоб қайтарилгач, кўпчилик овоз билан А. А. Мокану СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини кўриб чиқишга киришадилар. Раислик қилувчи **Е. М. Примаков** депутатларга баъзи бир изоҳларни берди. У ёки бу қонун лойиҳасининг кун тартибига киритилиши, деди у, мазкур сессия лойиҳани қонун тарзида қабул этишини асло билдирмайди. Сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби — узил-кесил эмас, чунки сессияда кўриб чиқиладиган ҳамма масалаларни ўз ичига олмаган. Дастлабки тарзда тинглаш учун қонун лойиҳалари киритилиши мумкин.

СССР Олий Советининг Президиуми, деди раислик қилувчи, ушбу кун тартибини тузиш пайтида мазкур сессияда ҳукуматни тасдиқлаш ва бирон-бир тарзда муҳокамадан ўтган ёки эълон қилинганлиги туфайли маълум бўлган ёхуд съезднинг топшириғига биноан биринчи навбатда муҳокама қилиниши керак бўлган бир қанча қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш зарурлигига асосланди.

Бир қанча депутатлар кун тартиби ва баъзи тартиб-қоида масалалари юзасидан мулоҳаза ва таклифларини айтдилар. Жумладан, СССР халқ депутатларининг ҳуқуқлари ва ваколатлари, депутатларни хабардор қилиш тажрибаси, уларнинг фаолият шароитлари, қонун лойиҳаларини тайёрлаш тартиби ва шу кабилар тўғрисидаги масалалар кўтарилди.

Раислик қилувчи депутатлар кўтариб чиққан баъзи конкрет саволларга жавоб қайтариб, СССР Олий Советида ахборот бўлими тузилаётганини маълум қилди. Янги Арбатдаги бинода Олий Советнинг ҳар бир аъзоси ўз хонасига эга бўлади, ахборот бўлимининг системалари ҳам ўша ерда жойлаштирилади. Ҳозир биз депутатлар учун махсус зал ажратилиши хусусида Ленин номли кутубхона билан ҳам келишиб оляпмиз, деди нотиқ. Муҳокамадан икки ҳафта олдин ҳар бир депутат барча қонун лойиҳаларини албатта, қўлига оладиган бўлади.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов** муҳокама этилаётган масала юзасидан депутатларга баъзи изоҳларни берди.

Кун тартиби кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миллатлар Совети билан келишиб олинганидан кейин кун тартибига қўшимча равишда қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, тасдиқланиши тўғрисидаги қонунни қабул этиш масаласини киритиш таклиф қилинади. Сессиянинг иш тартиби ҳам қабул этилади.

Депутатлар кун тартибидаги биринчи масалани кўриб чиқишга киришдилар. Бу масала СССР Олий Совети комитетларининг ва Иттифоқ Совети комиссияларининг составини тасдиқлаш билан боғлиқ эди.

Палата план ва бюджет-молия; саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари; транспорт, алоқа ва информатика масалалари; меҳнат, нарх ва социал сиёсат масалалари комиссияларининг составини тасдиқлайди.

СССР Олий Совети комитетларининг составини тасдиқлаш таклиф қилинади.

Палата СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитети составини овоз бериш йўли билан тасдиқлайди.

Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг составини муҳокама қилиш вақтида қизғин мунозара бошланиб кетди. Миллатлар Совети билан Иттифоқ Советининг депутатларидан тушган таклифларни эътиборга олиб, палата Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг составини тасдиқлайди, унга Қозоғистон ва Литва иттифоқдош республикаларининг вакилларини киритади.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари; халқ депутатлари Советларининг иши, бошқаришни ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари; иқтисодий ислоҳот масалалари; аграр масалалар ва озиқ-овқат; қурилиш ва архитектура масалалари; фан, халқ таълими, мадания ва тарбия; халқ соғлиғини сақлаш; хотин-қизлар ишлари, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ветеранлар ва инвалидлар ишлари; ёшлар ишлари; экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари; ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари ҳамда шикоят ва аризалари масалалари билан шуғулланувчи комитетларнинг составлари ҳам тасдиқланади.

Шундай қилиб, СССР Олий Советининг ҳамма комитетлари сайланди.

Шу билан Иттифоқ Советининг мажлиси тугади.

27 июнда СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини иккала палатанинг қўшма мажлисида давом эттиради.

* * *

27 июнь, эрталаб соат 10. Москвада, СССР Олий Советининг мажлислар залида СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Палаталарнинг қўшма мажлисида СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** СССР ҳукуматининг состави тўғрисида доклад қилди.

Докладчига берилган саволлар жуда хилма-хил муаммоларга дахлдор эди. Айрим саволлар доклад мавзуига тааллуқли бўлмади.

Раислик қилувчига мурожаат этилиб, Н. И. Рижковга у қилган докладга дахлдор конкрет саволларгина берилсин, депутатларни шунга даъват этинг, деб илтимос қилинганида, **М. С. Горбачев** қуйидагича жавоб берди: мен демократия удумига кўпроқ мойилман. Ҳамонки, депутатнинг дили ўртаниётган, минбарда СССР Министрлар Советининг Раиси турган экан, савол берсин. Аммо депутатлар сизнинг фикрингизни ҳам ҳисобга олишлари керак.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, ҳукумат ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришга ноқобил бўлиб қолганида унинг истеъфога чиқиш имкониятлари ҳақида гапирар экан, бундан буён «ишонч билдириш» тушунчаси жорий этилиши мумкинлигини таъкидлади. Аммо ҳукуматнинг ўзи ҳам вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Ҳукумат бошлиғи бутун ҳокимиятни тўлалигича Советларга бериш муаммоси хусусида тўхталиб, СССР Министрлар Совети Раисининг умумий ишлар бўйича биринчи ўринбосари лавозимининг таъсис этилиши Министрлар Совети билан маҳаллий Совет органлари ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўташи керак, деб таъкидлади.

Ҳукумат, халқ хўжалигини бошқариш органлари структурасини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Н. И. Рижков келгуси беш йилликда капитал маблағ ўсиши суръатларининг қисқартирилиши социал фондларни тўлдириш, мамлакатдаги айрим регионларни аниқ мақсадни кўзлаб ривожлантириш манбаи бўлиши керак, деб таъкидлади. У СССР Министрлар Советининг доимий органи — озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси тузилишини қатъият билан маъқуллаётганлигини тасдиқлади, шунингдек Бинокорлик материаллари саноати министрлиги негизида бир нечта ишлаб чиқариш концернларини демократик асосда бунёд этиш лозим, деб уқтирди.

Ҳукумат бошлиғи шахсларга дахлдор саволлар берилгани муносабати билан СССР Министрлар Совети составига ўзи кўрсатган бир қанча номзодларни қатъият билан ёқлаш ниятида эканлигини айтди. Н. И. Рижковга СССР министрлари меҳнатига тўланадиган ҳақ тўғрисида савол беришди. У ҳозир министрликлар ва идоралар раҳбарларининг иш ҳақи 700—800 сўм эканлигини айтди.

М. С. Горбачев: колхознинг яхши раиси 1200—1700 сўм маош олмоқда. СССР Олий Совети Президиумида Олий Совет аъзолари қандай яшаши ва ишлаши керак, нимага асосланиши керак, деган масала дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Шунда яна бир масала кўндаланг бўлди: комитетларнинг айрим раислари янги лавозимга тайинланишларидан илгари ҳозир олишлари мумкун бўлган иш ҳақидан икки баравар кўп маош олишган. СССР Олий Совети айрим аъзоларининг ҳам аҳволи айни ана шундай. Хўш, нима қилиш керак? Ҳозирча масала ўрганилмоқда. Масалан, партия ходимларининг иш ҳақи масаласини олиб кўрайлик. Бу хусусда кўп гап-сўз бўлди. Аммо шу нарса равшан бўлдики, масалан, ҳозир қишлоқ район партия комитетининг секретари хўжалик бўлим бошқарувчиси билан баравар, яъни 350 сўм маош олар экан, аслида эса совхоз бўлим бошқарувчисининг ўртача маоши 700 сўмдир. Шундай экан, райком секретари лавозимига энг обрўли, энг пухта тайёргарлик кўрган кишини топишимиз осон бўлармикан?

Бу ўринда қандайдир мусобақа бўлиши, биз масъул мансабдор кишиларга ҳаддан зиёд қўшимча ҳақ белгилашимиз керак, деб ўйламайман, деб уқтирди раислик қилувчи. Лекин шундай масала бор, бу масалани ўрганиб чиқишимиз керак. Шунинг учун ҳам, келинг, келишиб олайлик: муҳокама қиламиз, кейинчалик эса, чамаси, шу хусусда Олий Советнинг қонуни зарур бўлиб қолар.

Н. И. Рижков депутатларнинг саволларига жавоб беришни давом эттирар экан, СССР Министрлар Советида ҳозирча бўш турган лавозимлар юзасидан депутатлар, манфаатдор корхоналар ва муассасалар, меҳнат коллективлари билан батафсил маслаҳатлашув бўлади, деб таъкидлади.

Шундан кейин XIX партия конференциясининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар масалалари юзасидан махсус давлат органи тузиш тўғрисидаги қарори бажарилганлиги таъкидланди. СССР Олий Советида ана шу масалалар юзасидан комитетлар ва доимий комиссиялар тузилди. СССР Министрлар Советидаги барча доимий органлар зарурат пайдо бўлганида ана шу масалаларни ҳал этиш билан шуғулланадилар. Докладчи ижроия органларида, жумладан СССР Министрлар Совети ҳузурида кам сонли халқларнинг ваколатхоналарини очишни маъқуллади.

М. С. Горбачев: вакиллик тўғрисидаги масала СССР Олий Совети Президиумининг биринчи мажлисида муҳокама қилинди. Ушбу муаммони СССР Олий Советида ҳам, ҳукуматда ҳам ўрганиб чиқиш топширилди. Республикаларнинг вакиллари бўлган СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари шу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Масалани ўрганиш керак.

Депутатларнинг кўп саволлари экология муаммоларига тааллуқли эди. **Н. И. Рижков** СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раҳбари лавозимига номзодни танлаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар тўғрисида гапирди, ана шу идорани фавқулодда ҳодисалар учун масъул бўлган ҳукумат бошлиғининг ўринбосари В. Х. Догужиевга бўйсундириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга розн бўлди, бир қанча зарарли оқсил-витамин корхоналарининг ихтисослигини ўзгартириш мўлжалланганлигини айтди, ишлаб чиқилаётган экологик программада шу нуқтаи назардан аҳвол ниҳоятда нохуш бўлган 104 шаҳарга алоҳида эътибор берилади, деб таъкидлади.

Министрлар Советининг Раиси ўз жавобларида Узоқ Шарқ ва мамлакатнинг айрим бошқа регионлари, экономиканинг айрим тармоқлари ва маънавий соҳа тараққиётининг истиқболларини, аҳолининг социал жиҳатдан муҳофаза этилмаган табақалари турмушини яхшилаш масалаларини тилга олди. Ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, регионларда хўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этишни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Йирик халқ хўжалик қурилишлари лойиҳаларини кенг муҳокамага ҳавола этиш тўғрисидаги таклиф ижобий баҳо олди.

Ҳукумат боғлиғи медицина саноатини ривожлантириш, дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига тўхталиб, министрликлар ва идоралар жиддий тарзда қолоқликка йўл қўйишди, деган фикрга қўшилди. Ҳозирги аҳволнинг бошқа сабаби ҳам бор — кўпгина регионлар ўз территорияларида химия-фармацевтика корхоналарини қуриш ва ривожлантиришни истамаяптилар. Оқибатда бу соғлиқни сақлашдаги аҳволга таъсир этмоқда. Муаммони ҳал этиш учун шошилинч чоралар кўрилмоқда.

Н. И. Рижков ҳозирги босқичда қишлоққа оталиқ ёрдами зарур, деб таъкидлади, аммо хўжалик ҳисоби шароитида ҳукумат меҳнат коллективларининг оталиқ билан боғлиқ чиқимларини қоплаш ниятидадир. У Ўрта Осиё республикалари аҳолисини ишга жойлаштириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўзлади.

Ҳукумат бошлиғи ядро полигонларидан фойдаланиш истиқболлари ҳақида сўзлаб, Совет Иттифоқи ядро портлатишларини тўла тақиқлашни таклиф қилянти ва ўзи ўтказилаётган синовларнинг сонини ва қувватини камайтяпти, деб эслатиб ўтди. Аммо жаҳондаги ҳозирги вазият қуролларимизни такомиллаштиришдан батамом воз кечишга ҳали имкон бермайди.

Регионларда хўжалик ҳисоби шароитида Иттифоқ ва республикалар бюджетларини вужудга келтириш масаласи тилга олинди. Бу ўринда ана шу бюджетларни вужудга келтириш методологиясига принципиал ўзгаришлар киритилиши лозимлиги таъкидланди. Илгари бўлганидек, бюджетларни «юқоридан», яъни марказдан жойларга туширимасдан, аксинча, бюджетлар «қуйида» вужудга келтирилиши керак. Ҳозир ҳукумат шу масала хусусида тегишли таклифлар тайёрламоқда.

Н. И. Рижков ҳукуматдаги структура ўзгаришлари хусусида тўхталиб, ҳозир мамлакат саноат министрликларини тарқатиб юбора олмайди, деб таъкидлади. Бу экономикани бошқаришни қўлдан чиқариб юбориш бўлур эди. Аммо уларни йириклаштириш йўли жўн чора эмас. Социалистик бозор вужудга келгани сайин идораларнинг қўшилиш жараёни тезлашади. Иқтисодий ислоҳотдан кузатилган муддао ҳам ана шудир.

(ТАСС).

ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН

Тўрақўрғон районидаги Калинин номли колхозда меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати кенг қўлланилмоқда. Пудратчилар янги усулнинг хўжаликка ҳам, ўзларига ҳам фойдаси катталигини амалда кўришяпти.

Бу йил хўжаликда бугдойнинг юқори ҳосилли «Сангзор» нави экилиб, барча пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда хўжаликда галла ўрими қизғин. Ҳар гектар ердан 45 центнердан, яъни пландагидан 19 центнер кўп ҳосил олинмоқда.

Юқоридаги суратда ўзларига тегишли галлазордан мўл ҳосил олишга эришаётган ака-ука Ёқубжон, Муҳаммаджон, Маъруфжон Исломовлардан иборат оилавий звено тасвирланган.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

ПЕШҚАДАМНИНГ ИБРАТИ

Самарқанддаги Мирзаҳўжа Уринҳўжаев номидаги трикотаж фабрикаси коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини барвақт адо этиш учун қизғин курашмоқда. Мусобақада биринчи тикув цехининг тикувчи-мотористлари олдинда боришяпти. Айниқса, тикувчилардан Гулнора Маҳмудова смена нормасини ҳар доим 115—120 процентга етказиб адо этаётир ва маҳсулотнинг деярли ҳаммасини биринчи сортларга топшираётир. Илғор ишчининг ибрати ҳамма учун ўрнак.

Суратда: илғор ишчи Гулнора Маҳмудова.

Ғ. АЛИЕВ сурати.

ҚАТРАСИНИ ЗАР ДЕЙМИЗ-У...

Очиғини айтганда, бу йилги вегетация даври республикамизда жуда мураккаб вазиятда ўтяпти. Синоптикларнинг маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё регионида сув танқислиги кутилмоқда. Бунинг сабаби, қиш ва баҳор ойлари тоғларда ёғингарчилигининг ҳаддан ташқари кам бўлганлигидадир. Самарқанд ва Бухоро областининг далалари Зарафшон дарёсидан сув ичади. Апрель ойи ва май ойининг биринчи ярмида Зарафшон дарёсида секундига 30-45 кубометр сув оқди.

Май ва июнь ойининг баъзи кунларида ҳавонинг совуқ келиши натижасида тоғлардаги қор кам эриб, Зарафшонга оз сув келмоқда. Натижада ҳозир кўплаб районларда сув етишмаётир. Шунинг учун ҳам шароит мавжуд оби ҳаётдан ниҳоятда тежаб-тергаб, самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Вазиятни тўғри тушиниб етган кўплаб миришкорлар тежамкорлик режимига қатъиян риоя этишяпти. Суғоришнинг синалган, самарали усулларини кенг қўлланиш орқали оз сув билан кўпроқ майдонларни қондириб суғоришга муваффақ бўлишаётир. Миришкорларнинг омилкорлиги туфайли Самарқанд области бўйича сувдан фойдаланиш коэфициенти 0,90 ни ташкил этмоқда.

Лекин баъзи районларда сувдан унумли фойдаланмаяптилар. Чунончи Булунгур районида сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,77, Ургут районида 0,67, Хатирчи районида 0,72 дан ошмаяпти.

Бу йил Самарқанд области деҳқонлари қишлоқ хўжалик экинларини жуда мураккаб шароитда ўстиряптилар. Шунга қарамай, айрим колхоз ва совхозларда қатраси зар бўлган оби-ҳаётни тежаш ўрнига исрофгарчиликка йўл қўйиляпти. Кўп жойларда далаларни бостириб суғориш, коллекторларга оқава сувларни ташлаб қўйиш каби ачинарли манзарани кўриш мумкин. Жумладан, Нарпай районидан «Октябрь» колхозидаги 10-бригадада, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг 11-бригадаси, Каттақўрғон районидаги «Пролетарий» колхозининг 3-бригадасида текшириш ўтказилганда сувнинг бекорга оқиб ётгани аниқланди.

Бундай камчиликларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Агар зудлик билан нуқсонлар аниқланиб, уларни тугатиш чоралари кўрилмаса, саратон палласида катта қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. Сув ғўзанинг жони эканлигини унутмаслик керак.

Т. ШОЮСУПОВА.

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

Н. И. РИЖКОВ ДОКЛАДИ

Ҳурматли СССР Олий Советининг аъзолари!

Халқ депутатлари съездининг иши тугаганидан кейин ўтган ярим ой унинг бутун жамият учун бўлган жуда катта аҳамиятини янада чуқурроқ идрок этиш, сиёсий системамизни ривожлантиришга у қўшган янгиликни тушуниб олиш имконини берди. Съезд давлат турмушида ноёб ҳодиса бўлиб қолди, деб ҳеч муболағасиз айтиш мумкин.

У фаол, ҳақиқий иш қобилиятига эга бўлган ва аслида халқ манфаатларини таъминлаш мақсадини кўзлайдиган мамлакатнинг доимий ишловчи парламентини тузганлиги ҳам муҳимдир. Демократияни ривожлантиришда жуда катта қадам қўйилди. СССР Олий Совети палаталари комиссияларининг ва Олий Совет комитетларининг иши бунга яққол ишонч ҳосил қилмоқда. Улар ҳукумат тақдим этган халқ хўжалигини бошқариш структурасини кўриб чиққан ва СССР Министрлар Советининг аниқ составини муҳокама қилган қисқа вақт ичида қилинган ишларни баҳолаб, иборали қилиб айтишим мумкинки, съезд вужудга келтирган муҳитни мана шу кунларнинг ҳаммаси давомида халқ депутатлари бажонидил қўллаб-қувватладилар.

Комиссиялар ва комитетларнинг мажлисларида халқ депутатлари сўзлаган кўпдан-кўп нутқлардан ва улар билан фикрлашувлардан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Бу хулосаларни баён этишдан аввал шуни таъкидламоқчиманки, биз киритган таклифларни муҳокама қилиш чоғида рўй берган воқеаларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёқ ҳукумат билан СССР Олий Совети, унинг комиссиялари ва комитетлари ўртасида вужудга келадиган ўзаро амалий муносабатларни характерлаб турибди.

Биринчидан, биз мана шундай мажлисларда мудраб ўтириш билан видолашдик, бу ҳолат ўтмишда қолиб кетди ва абадий қолиб кетганига амминман. Ишчанлик, янгича ва жонкуярлик билан муносабатда бўлиш, астойдил манфаатдорлик, мулоҳазаларнинг рўй-ростлигн ва талабчанлик — ишда пайдо бўлган жуда характерли хусусиятлардирки, мен буни бугунги кунда бериш мумкин бўлган баҳонинг марказига қўйган бўлур эдим.

Иккинчидан, СССР ҳукуматини тузишнинг ва халқ хўжалигини бошқаришдаги структура ўзгаришларининг кабинет практикаси давлатдаги етакчи лавозимларга тайинланадиган шахслар номзодини муҳокама қилишга неча ўн йиллардан бери ўзгармай келган ёндашув қоралади. Бу — одатланилмаган ва ўрганилмаган бир ҳол бўлиб, айни вақтда у парламентимизнинг революционлиги қайта қуришнинг улуғвор режаларига ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Учинчидан — менимча энг муҳими шу — СССР Олий Советида бундай таклифлар ҳали ҳеч қачон бунчалик пишиқ-пухта, атрофлича, таъбир жоиз бўлса, синчковлик билан кўриб чиқилмаган эди. Бу —умид бахш этадиган жуда ижобий факт эканлиги шубҳасиз: чунки ҳукуматнинг экономикани бошқариш структурасини қайта қуриш принциплари ва ёндашувлари аслида нақадар мустаҳкамлиги синовдан ўтди. Талабчанлик ва принципиаллик учун мен депутатлардан фақат миннатдор бўлишим керак.

Энди асосий масалага — ҳукуматнинг таклифларини СССР Олий Советининг комиссиялари ва комитетлари мажлисларида муҳокама қилишнинг мазмуний қисми бизга нималар берганига ва келгусида қандай иш тутишга мажбур қилиши хусусидаги масалага ўтаман.

Гап шундаки, халқ депутатлари кўпгина фойдали ва амалий таклифларни айтишди. Ҳукуматнинг фаолият программасини тузишда, шунингдек унинг бундан бўёнги ишини ташкил этишда бу таклифларни эътиборга олмасликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Биз мана шу аниқ-равшан ва бениҳоя қиммат ли муҳокамадан олишимиз лозим бўлган энг муҳим парсалар умумлаштириладиган бўлса, халқ депутатлари айтган ҳамма гапларнинг моҳиятини қуйидагилардан иборат деб билмоқ керак.

Биринчидан. Бу — давлат бошқаруви ҳамма органларининг ишида ва аввало олдимизда турган энг зарур вазифаларни жадал ҳал қилиш борасида социал йўналишни белгиланганидан кўра янада кўпроқ кучайтиришга оид таклифлар комплексидир. Бу таклифлар орасида халқ хўжалигини ривожлантиришда устун йўналишларнинг тўғрилигини тўла-тўкис баҳолаш имконини берадиган таклифлар ҳам бор. Бозорни истеъмол моллари билан мўлкўл таъминлаш, уй-жой қурилиши ва социал-маданий соҳасининг моддий негизини ривожлантириш, инсоннинг маънавий ўсиши учун шароит яратиш тўғрисидаги таклифлар ана шулар жумласига киради.

Истисносиз ҳамма комиссия ва комитетларнинг халқ депутатлари қишлоқ муаммоларига алоҳида эътибор бердилар. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг аҳволи кескинлашиб бораётганини эътиборга олганда, янги тузилган ҳукумат СССР Олий Совети билан биргаликда съезднинг қарорига мувофиқ ҳу жуда муҳим тармоқни қолоқликдан чиқариб олишга амалий имкон берадиган энг зарур чоратадбирлар комплексини амалга ошириши керак бўлади.

Иккинчидан. Бу — мамлакат экономикасини молиявий соғломлаштиришнинг ҳукумат қабул қилган программасига муҳим қўшимчалардан иборат. Бу қўшимчалар мазкур масалани СССР Олий Совети билан, унинг комиссиялари ва комитетлари билан чуқурроқ таҳлил этиб чиқиш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш имконини беради.

Сўнгра. Бу — туб иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш имкониятларини янгича баҳолаш ҳамда улардан фойдаланиш йўлини очадиган бир қанча аниқ-равшан мулоҳазалардан иборат.

Ниҳоят, бу — бошқарувнинг олий бўғинида кадрлар сиёсатини амалга оширишда принципиал янги ёндашувдир.

СССР Олий Совети халқ хўжалигини бошқариш структураси тўғрисида комиссиялар ва комитетлар маъқуллаган таклифлар юзасидан қарор қабул қилиши лозимлигини эътиборга олиб, гапни айнан шу нарсадан бошлайман.

(Давоми иккинчи бетда).

Ярим йиллик план бажарилди

Ховос районидаги Тимирязев номли совхоз сут-товар фермаси чорвадорлари бу йил 180 бош соғин сигирдан мўл-кўл сут соғиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Улар яқинда сут тайёрлаш ярим йиллик плани бажарилгани ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 6 ойлик планда белгиланган 186 тонна ўрнига 204 тонна серқаймоқ сут топширилди. Тажрибали сут соғувчилардан қаҳрамон она У. Жумаева ўз боқимидаги соғин сигирлардан 45 тонна, қишлоқ Советининг депутати И. Раупова 42 тонна, З. Остонақулова 40 тонна, Ў. Қодирова 39,5 тонна, М. Каримова 38 тоннадан серқаймоқ сут соғиб олиб, муваффақиятга баракали улуш қўшдилар.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ.

Н. И. РИЖКОВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Бошқа биринчи бетда).

Давлат бошқарув органларининг структураси тўғрисида тузукроқ мулоҳазалар бўлмаганлигини айтишим керак. Тўғри, айрим депутатларда баъзи министрликлар ва идораларни бўлиш ёки бирлаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бир қанча таклифлар вужудга келди. Бироқ бундай таклифларни депутатлар асосан муносиб равишда қўллаб-қувватламадилар, шу сабабли уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил гапиришга зарурат йўқ.

Айни вақтда учта мана шундай мулоҳазага тўхталиб ўтиш зарур.

Қурилиш ва архитектура масалалари комитети СССР Винокорлик материаллари саноати министрлигини тугатишни бевақт деб ҳисоблаб, буни бир қанча сабаблар билан, шу жумладан баъзи норматив актлар ва қоидалар пухта ишлаб чиқилмаганлиги билан асосламоқда.

Бу масала қўшимча равишда синчиклаб ўрганиб чиқилганида, билдирилаётган эътирозлар янги регионал сиёсат принципларига, шунингдек ҳўжалик юритишнинг демократик усулларига ўтишга зид келади, қурилиш ишларини бошқаришда яна марказчилик негизларини кучайтиришга олиб бориши маълум бўлди.

Маълумки, 1988 йилда қабул қилинган қарорга мувофиқ, пудратчи қурилиш министрликлари ва винокорлик материалларини ишлаб чиқаришнинг кўп қисми бевосита иттифоқдош республикалар (РСФСРдан ташқари) қарамоғига топширилди.

Асосан барча республикалар бу масалалар билан яқиндан шуғуллана бошлаганликларини шу шароитдаги бир ярим йиллик иш тажрибаси кўрсатди. Улар тузиб чиққан программалар 2—3 йил ичида винокорлик материаллари билан ўзининг ўзи таъминлашга ўтиш имконини беради. Шундай қилиб, винокорлик материаллари саноатини республикаларга топшириш йўли ўзини оқлади. Бу нарса қурилиш учун керакли бошқа материаллар ишлаб чиқаришни республикаларга тошириш заруратини қатъиян тақозо этади.

Шу билан бирга бизнинг назаримизда цемент, асбест ва ундан тайёрланадиган материаллар ишлаб чиқаришни марказлаштирилган ҳолда сақлаб қолиш керак. Шу сабабли, мана шу чекланган турдаги маҳсулотлар бўйичагина Иттифоқ министрлигини сақлаб қолиш учун етарли асослар йўқ. Бу соҳада демократик ва ҳўжалик ҳисоби принципларида ишлайдиган бир неча йирик концерн яратиш бирмунча реалроқ йўлдир.

Албатта, бу ҳол, худди шунингдек умумқурилиш министрликларини Россия Федерацияси қарамоғига ўтказиш СССР Давлат қурилиш комитетининг вазифаларини анча ўзгартириб юборади. Модомики, биз янги регионал сиёсатни сўзда эмас, балки амалда рўёбга чиқармоқчи, иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтирмоқчи, ҳўжалик юритиш системасида реал ҳокимиятни уларга топширмоқчи эканмиз, шундай қилиш керак. Эндиликда ҳаракатларимиз мантиқи шундан иборатки, ҳокимиятни баҳам кўра бошлаш лозим. Бу реал воқелик бўлиб, у билан ҳисоблашиш керак.

Энди иккинчи мулоҳаза тўғрисида. Баъзи комиссиялар ва комитетларнинг мажлисларида атом электр станцияларини ишлатишни Атом энергетикаси министрлиги қарамоғидан Ўрта машинасозлик министрлиги қарамоғига ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйиб, иттифоқдош республикаларда шундай министрликлар борлигини етарли, деб ҳисобламоқдалар. Ҳукуматда Министрлар Совети Раисининг маданият масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосарига эга бўлиб, Иттифоқ министрлигига фақат ҳўжалик масалаларини қолдириш тўғрисидаги таклиф ҳам олга сурилди. Шуни айтишим керакки, ўртоқлар, бу хусусда бизнинг фикримиз бир хил — мамлакатда ишга лаёқатли Иттифоқ Маданият министрлиги бўлиши лозим, бу министрлик мамлакатдаги гоят хилма-хил маданий турмушнинг тўла ҳуқуқли вакили бўлур эди.

Ўртоқлар!

Давлат бошқарув[illegible]нинг истисносиз барча [illegible]ганлари вазифаларини янги мазмун билан тўлдириш [illegible]сидаги масалани м[illegible]ўқ кўриб чиқишни истардик.

Марказий иқтисодий органлар энг ўткир ва ҳаққоний танқид қилиндилар. Назаримда, ана шу танқиддан нимани эътиборга олиш лозим?

Энг аввало марказ билан иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий муносабатларига дахлдор янги регионал сиёсатнинг баъзи қоидаларини гоят қисқа муддатлар ичида аниқлаб олиш керак. Бунда таклиф ва мулоҳазалар кўп бўлди. Улардан шу нарса келиб чиқадики, республикаларнинг ҳўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада кенгайтириш, уларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, министрликлар ҳамда территорияларнинг ҳокимият ваколатлари нисбати билан боғлиқ муаммоларнинг бутун комплексини кўриб чиқишга яна бир бор қайтиш ниҳоятда зарурдир.

Шу кунларда комиссиялар ва комитетларда социалистик бозорни қарор топтириш йўлларида авж олиб кетган ўткир мунозара бу соҳада ҳам бизнинг мушкул муаммоларни ҳал этишимизга тўғри келишини яна бир бор тасдиқлади. Шуни айтишим керакки, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун ҳал қилувчи йўналиш сифатида биз уни мутлақо онгли равишда танладик, уни тўғри ва истиқболли деб ҳисоблаймиз, буни эса съезд якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Шу билан бир вақтда халқ депутатлари бозор муносабатларини тартибга солиш каби гоят муҳим масала хусусидаги фикрларнинг қарама-қарши эканлиги муносабати билан жиддий ташвиш билдирдилар. Бу мавзу Абалкин, Маслюков ўртоқларга, шунингдек ҳукуматдаги раҳбарлик лавозимларига кўрсатилган бошқа баъзи номзодларга кўпдан кўп саволлар берилишига сабаб бўлганлигини эътиборга олиб, шу хусусдаги ўз мулоҳазаларимни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Менимча, бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга солишнинг чегараларини белгилаш — бу масаладаги энг асосий ва принципиал муҳим жиҳатдир. Бунда ҳам мен кўпгина халқ депутатларининг марказий иқтисодий органлар ва биринчи навбатда Госплан, Госснаб, Молия министрлиги, Давлат нархлар комитети иттифоқдош республикалар билан биргаликда иккита принципиал муҳим вазифани ҳал этишлари зарурлиги хусусида билдирган фикрига тўла-тўкис қўшиламан.

Биринчиси — бундай муносабатларни тартибга солиш воситаларининг ўзини ишлаб чиқишдир. Солиқ системасини, нархларни тартибга солиш янги усулларини, улгуржи савдони ривожлантириш ва шу кабиларни назарда тутяпман.

Иккинчиси — шундай тартибга солишни бозорга хос қонунларга хилоф бўлган усуллар билан амалга оширишга йўл қўймайдиган шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳамда образли қилиб айтганда, чеклагичларни ишга туширишдан иборатдир. Бозор муносабатларини тартибга келтирувчи таъсир теранлигини назарий ва амалий жиҳатдан белгилаш лозим. Бунинг моҳияти шундаки, давлат томонидан бозорга ўтказиладиган таъсир уни ривожлантиришга асло тўсқинлик қилмаслиги керак.

Биринчи вазифани ҳам, иккинчи вазифани ҳам ҳал этиш, аввало халқ фаровонлигини юксалтиришга ва унинг социал жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга бўйсундирилган бўлиши лозим, албатта.

Халқ депутатлари СССР Министрлар Советининг янги составини муҳокама қилишганида умумиттифоқ министрликлари ва комитетлари фаолиятига алоҳида эътибор беришгани тамомила табиийдир. Бошқарувнинг тор тармоқ органлари системаси кенг кўлам касб этгани туб иқтисодий ислоҳотни тўла рўёбга чиқаришга имкон бермайдиган омилга айланганлигига барча якдиллик билан баҳо берди. Шу хусусда анчагина конкрет мисоллар айтилди. Жумладан, Иттифоқ даражасида қарорлар ишлаб чиқилишининг ҳаддан зиёд марказлаштаплиги республикалар экономикасини комплекс ривожлантириш имкониятларини, экологик муаммоларни ҳал этишнинг самарадорлигини анча пасайтираётгани, территорияларнинг манфаатларини, уларнинг демографик шарт-шароитларини ва бошқа шарт-шароитларни тўла ҳисобга олишга имкон бермаётганлиги таъкидланди.

Худди шу боисдан ҳам биз янги типдаги министрликларни қарор топтириш, улар ишини янги мазмун билан тўлдириш, ҳозир улар бажариб келаётган кўпгина вазифаларни бевосита корхоналар ва территорияларга бериш ҳақида гапирмоқдамиз. Министрлар лавозимларига номзодлар муҳокама қилинаётганида депутатлар кўпчиликдан бундан муддао нима, деб сўрашди. Бу шунчаки савол эмас.

Назаримизда, бу масалани, аввало, давлат бошқаруви ва бевосита ҳўжалик юритиш план ва ижрочилик фаолиятининг ҳозирча бирбири билан аралашиб кетган вазифаларини қатъий чегаралаш ва аниқ-равшан белгилаб олиб ҳал этиш керак.

Министрликлар ишида туб ўзгаришларнинг бўлмагани асосий бўғинда прогрессив ишлаб чиқариш структураларининг юзага чиқишига, энг асосийси эса унинг иши самарадорлиги ўсишига халал берди. Съездда ва комиссияларда бўлиб ўтган муҳокамаларда биз бундан буён ҳам идороларо ишлаб чиқаришлар бунёд этиш ва ривожлантириш, мулкчиликнинг турли формаларига асосланган, жумладан министрлик ва идораларга бўйсунмаган ҳар хил замонавий ташкилий структуралар бунёд этиш ва ривожлантириш йўлидан қатъият билан олга боришга интилиш лозим, деб якдил фикрни айтдик. Назаримизда, биз худди ана шу йўлдан бориб, кўп корхоналарнинг ҳозир таркиб топган монополия ҳолатига барҳам беришимиз, рақобатчилик, маҳсулотнинг техникавий жиҳатдан мукаммаллиги ва сифати учун кураш принципларини ривожлантиришимиз мумкин.

Бошқарувнинг тармоқ штаблари хусусида айтилган гапларга якун ясаб, қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин.

Аввало шуни айтиш керакки, биз уларнинг вазифаларини изчиллик ва теранлик билан ўзгартириб, тармоқ структураларини қунт билан йириклаштириб ҳамда илгари юқори эшелонлар ихтиёрида бўлган ҳуқуқларни бошқарувнинг республика, маҳаллий органлари ихтиёрига ва бевосита ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинига ўтказиб, мутлақо тўғри йўлдан бормоқдамиз. Халқ депутатлари ҳўжалик юритишнинг замонавий шароитларда министрликларнинг янги ролини муҳокама қилганларида бу йўлнинг тўғрилиги тасдиқланди. Ҳукумат бундан буён ҳам ана шу йўлдан бориш ниятидадир ва СССР Олий Совети ҳукуматнинг бу ниятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, деб умид қилади.

Министрлик ва туб иқтисодий ислоҳот мавзуи алоҳида муҳокама қилишга арзийди. Кўпчилик депутатлар айтган фикрга қўшилмоқчиман. Дарҳақиқат, кўпчилик министрликларимиз ҳўжалик юритишнинг янги принципларини ривожлантиришда сусткашлик қилдилар, давлат корхонаси тўғрисидаги қонун талабларининг тўғридан-тўғри бузилишига йўл қўйилди. Буларнинг ҳаммаси бўлган эди ва афсуски, бир қанча ҳолларда ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди.

Ҳукумат иқтисодий ислоҳот принципларининг ҳар қандай йўсинда бузилишига чек қўйиш учун бундан буён ҳам жуда қатъи чоралар кўраверади. Башарти халқ депутатлари ҳам ана шу муҳим ишга фаоллик билан қўшилсалар, тўғри ва ниҳоятда фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайман.

Ва ниҳоят, министрлар лавозимларига номзодларни муҳокама қилиш чоғида кўпгина номзодларга ҳўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларида асосий ишлаб чиқариш бўғинига жуда самарали ривожланишга имкон берадиган иқтисодий муҳитни бунёд этишда министрликларнинг роли тўғрисида саволлар берилди. Бозор муносабатлари ҳам, норматив база ҳам, регионлардаги қайта қуриш ҳам бошқа масалаларнинг бутун комплекси ҳам назарда тутилди.

Шуни айтишим керакки, баъзи бўлажак министрлар ана шу муҳим масалалар хусусидаги ўз нуқтаи назарларини ва позицияларини асослаш ўрнига, агар гап нормативлар ҳақида кетаётган бўлса — Давлат план комитетига, агар масала улгуржи савдога тааллуқли бўлса — Давлат таъминот комитетига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархи жуда ўсиб бораётгани билан боғлиқ вазиятларда — Давлат нарх комитетига, агар гап иш ҳақининг ўсиши билан меҳнат унумдорлиги бир-бирига мос келмаётгани ҳақида борса — Молия министрлигига, шунингдек банкларга ишора қилдилар. Демак, юксак лавозимларга бир қанча номзодлар ҳали ана шу муҳим ишлардаги ўз мавқеини аниқ англаб етишганича йўқ. Ҳойнаҳой, бунинг сабаби шундаки, марказий иқтисодий органлар кўп масалаларни ўз ихтиёрларига олишган. Ҳукумат эса ҳозиргача ҳам министрликлар ва идоралар тўғрисидаги янги низомни тасдиқлагани йўқ. Бу низом ҳўжалик юритишнинг янги шарт-шароитида улар роли ва вазифаларининг ўзгаганлигини ҳисобга олиши лозим бўлади.

СССР Олий Советидаги музокаралар яна бир карра шуни тасдиқладики, ҳўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш ишида жуда кўп муаммолар бор. Маълумки, шу муносабат билан СССР Министрлар Советининг иқтисодий ислоҳот юзасидан давлат комиссиясини тузиш таклиф этилди, ушбу комиссияга академик Абалкин бош бўлади, деб назарда тутилмоқда. Унинг номзоди тегишли комиссиялар ва комитетларда маъқулланди. Дарҳол шуни айтишим зарурки, ўртоқлар, мазкур комиссия мажлисларда иқтисодий ислоҳотни ривожлантириш хусусида министрликлар ва идоралар шанига айтилган барча фойдали фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиши шарт, аммо ўз ишида сира-сира уларнинг ўрнини босмаслиги керак, мен буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тармоқларга хос масалалар нечоғли кўп бўлмасин, халқ депутатлари мамлакат ҳарбий-саноат комплекси составига кирадиган тармоқлардаги ишнинг аҳволини муҳокама қилишга эътибор берганликларини ва ҳам кўпроқ кондиришни мўлжаллаб қайта йўналтиришлари лозим. Бу аввало машинасозлик комплексига тааллуқлидир. Шундай қилиб биз депутатлар мамлакатимизда биринчи бор қўл урилаётган ана шу сира жўн бўлмаган иш ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб, қисқа муддатларда ва кўпинча жуда яхши ташаббусларни ҳам йўққа чиқараётган бюрократик ва маъмурий-бошқарув сансалорлигисиз амалга оширилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишаётганини кўриб турибмиз. Шу муносабат билан Давлат план комитети ва бошқа иқтисодий органлар иттифоқдош республикалар билан баҳамжиҳатликда барча зарур шароитларни яратишлари ҳамда министрликлар ва корхоналарга улар олдидаги вазифаларни бажаришда ҳалал берадиган барча тўсиқларни олиб ташлашлари керак.

Ўртоқлар!

Қуролли кучларимизни қуриш билан боғлиқ бўлган барча масалалар ҳамда ҳукуматнинг бу ишдаги роли, у СССР Конституциясига кўра ўз зиммасидаги вазифаларни қандай бажараётгани ҳақида батафсил гапирмоқчи эмасман. Бу съезддаги докладда батафсил айтилган эди. Аммо шунга қарамасдан, СССР Олий Советининг тегишли комитетида Мудофаа министрлиги тақдим этган программа кўриб чиқилаётганида тилга олинган икки муаммони, ҳар қалай алоҳида ажратиб кўрсатишни истар эдим.

Буларнинг биринчиси мудофаа харажатлари билан боғлиқдир. Совет давлати тинчликпарварлик ташаббуслари кўпайиб бораётгани туфайли ишлаб чиқилган янги ҳарбий доктрина принципларига асосланиб, биз ана шундай харажатларни камайтириш тадбирларини изчиллик билан амалга ошираверамиз. Бунинг маъноси шундаки, бизнинг мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлашга ёндашувларимиз оқилона етарлилик талаблари асосидагина қурилиши керак. Комитет мажлисида ана шу хусусда фикр алмашув Мудофаа министрлиги фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлиши лозимлиги ҳақидаги жиддий суҳбатга айланиб кетди.

Оқилона етарлилик принципи Қуролли Кучларни бундан буён янгича сифат негизида техникавий қайта жиҳозланиш билан мустаҳкамланиши керак, албатта. Ҳозирча вазият бизни шунга мажбур этар экан, ҳукумат ҳам ва ўйламаки, халқ депутатлари ҳам, биз ҳаммамиз армияга ҳар жиҳатдан мадад ва диққат-эътибор беришимиз, армияни мустаҳкамлаш ва унинг обрў-эътиборини юқори кўтариш учун барча ишларни қилишимиз лозим.

Халқ депутатларининг мудофаа эҳтиёжларига кетадиган харажатларни камайтириш эвазига олинадиган маблағларнинг бир қисми СССР Қуролли Кучлари социал муаммоларини ҳал этишга йўналтирилиши кераклиги тўғрисидаги таклифларини алоҳида кўриб чиқиш керак, деб ўйлайман.

Ўртоқлар! Ҳукумат мамлакат ҳуқуқ муҳофазаси органлари раҳбарлари лавозимларига тақдим этган номзодлар кўриб чиқилаётганида комиссиялар ва комитетларда бўлган принципиал гап асосида пайсалга солмай ана шу органлар вазифалари ва амалий фаолиятига ўзгаришлар киритиш лозим.

Бу ўзгаришлар, аввало шунга қаратилиши керакки, токи ҳуқуқ муҳофазаси органлари совет гражданларининг эркинликлари ва конституцион ҳуқуқларини чуқур ҳурмат қилсинлар, қатъий юридик нормалар ва қоидалар доирасида иш юритсинлар, ўз куч-ғайратларини жамиятни бирлаштириш манфаатларига қаратсинлар, барча гражданларга ҳавфсизлик шароитида ва ҳар хил жиноятчи унсурларнинг тажовузидан муҳофаза этилиб яшаш ва ишлаш имкониятини таъминлашсин.

Кўпгина ўлкалар, областлар ва республикалардаги вазиятни соғломлаштиришда, снёсий вазиятни барқарорлаштиришда қатъиятгина эмас, шу билан бирга мазкур регионларнинг барча муаммоларини ҳал этишга чуқур комплекс ёндашиш ҳам кераклигига эндиликда биз ҳаммамиз ишонч ҳосил қилдик. Акс ҳолда Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа бир қанча жойларда рўй берганга ўхшаш ҳодисалар муқаррар юзага келади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзи ҳеч нарса қила олмасликлари мутлақо равшан, чунки ҳал этилмаган социал муаммолар, миллатлараро муносабатларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, одамларнинг талаб-эҳтиёжларига нисбатан ашаддий тўраларча лоқайдлик, уларнинг ҳаққоний талабларига қулоқ солишни истамаслик, жамоатчилик фикрини назар-писанд қилмаслик кўпинча вазиятнинг кескинлашувига бевосита таъсир қилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммасига халқ депутатларининг съездида тегишли баҳо берилди. Энди ҳаракат қилиш пайти келмоқда. Ҳаракат қилганда ҳам чекланган доирада эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кадрлар составини мустаҳкамлаш, уларга зарур моддий ва социал-маиший шароитларни, кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш, халқ депутатлари Советлари билан уларнинг ижроия комитетларининг бу соҳадаги ишини такомиллаштириш, бу ишга корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективларини жалб этиш имкониятларини яратишгача бутун чора-тадбирлар комплексини қамраб оладиган ҳаракатлар қилиш пайти келмоқда. Жамиятга зид ҳатти-ҳаракатлар пайини қирқишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ҳам жиддий қадамлар қўйилиши лозим.

Хуллас, программа даркор. Унинг муҳимлиги равшан ва йўналиши яққол кўриниб турибди. Унинг устидаги иш зудлик билан бошланиши керак ва бу ишни биз биргаликда олиб боришимизга тўғри келади. Кўпгина депутатлар тўғри айтишди: мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш ишига, жамиятга зид хатти-ҳаракатларга қарши курашга бутун халқни жалб этиш лозим. Бу ишни ҳам ўзимиз бажаришимизга тўғри келади. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ва аввало, Ички ишлар министрлиги, Юстиция министрлигининг, Давлат хавфсизлиги комитетининг фаолиятига шубҳасиз мана шундай талаб асос қилиб олинади. Бизнингча, СССР Давлат хавфсизлиги комитети мамлакатда уюшган жиноятчилик тобора кўпроқ намоён бўлаётганлигини эътиборга олиб, жамият учун ниҳоятда хатарли бўлган мана шу муаммони ҳал этишга яқиндан киришиши керак. Мазкур комитетнинг бундай имкониятлари бор.

Ўртоқлар! Ишни янгидан бошлагандан кўра хатоларни тузатиш анча мушкул эканлигини турмуш кўрсатмоқда. Жамиятимиз ташқи дунёдан узоқ вақт ажралиб қолганлиги мана шундай катта хатолардан бири бўлди. Модомики, шундай хатога йўл қўйилган, бу хатони биз эътироф этган эканмиз, уни тез, самарали ва масалаларнинг моҳиятини билиб тузатиш лозим. Халқ депутатлари Каменцев ва Катушев ўртоқларнинг номзодларини айни мана шундай нуқтаи назар билан кўриб чиқдилар. Чунки экономикамизнинг жаҳон ҳўжалик алоқаларидан узилиб қолганлигини бартараф этиш улар бошчилик қилиши лозим бўлган органларнинг ишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Биз корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқларини мумкин қадар кўпроқ кенгайтирдик. Биз бу соҳада министрликлар ва регионларга янги ҳуқуқлар бердик, ташқи иқтисодий органларнинг структурасини тегишли тарзда ўзгартирдик, мана шуларнинг ҳаммасини қатъият билан ривожлантириб бориш керак.

Шу ишларни давлат ташқи иқтисодий комиссияси мувофиқлаштириб туриши лозим. Бу комиссиянинг роли ва аҳамияти муттасил ортиб боради. Аммо бунда унинг олдига принципиал янги вазифа қўйилмоқда. Ҳозир ташқи иқтисодий алоқаларни яхши билиб, энг мақбул ечимларни топишгина қолмай, айни вақтда мамлакат ичкарисида бевосита маҳсулот экспорт қилувчилар билан ишлашда ҳам зўр фаоллик кўрсатиш керак бўлади.

Бизнинг ташқи иқтисодий органларимиз мамлакатнинг имкониятлар ва талаб-эҳтиёжларини жаҳон бозори нималарга манфаатдор бўлса, шу билан узвий боғлашда ўз меҳратини тўла-тўкис намоён этишлари даркор.

Яна бир вазифа тўғрисида гапирмоқчиман, уни ҳал этишга давлат ташқи иқтисодий комиссияси ва Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги фаол қўшилишлари лозим. Халқ депутатлари бунга ҳам эътибор беришган эди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳозир амал қилинаётган иқтисодий муносабатлар кейинги вақтларда мана шу мамлакатларда ривожланиб бораётган ҳўжалик юритишнинг янги принципларидан кўп жиҳатдан жуда орқада қолди. Шу нарса мутлақо равшанки, ўзаро муносабатларимизнинг шакл ва усулларида тегишли ўзгартишларсиз бу жараён тобора кўпроқ орқада қолаверади, бинобарин эса ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларининг самарадорлиги пасаяверади.

Мазкур комиссия ва марказий иқтисодий органлар социалистик мамлакатлар билан биргаликда ушбу йўналишдаги ҳаракатларнинг аниқ программасини ишлаб чиқишлари зарур. Бунда жаҳон экономикасида бирлашиш жараёнлари фаол давом этаётганлигини ҳисобга олиш керак.

Гоят хилма-хил шаклларда жаҳон ҳўжалик алоқаларимизни янада ривожлантиришга, шунингдек халқаро молиявий иқтисодий ташкилотларда тобора кўпроқ иштирок этишга қаратилган йўл ҳам изчиллик билан ўтказилиши лозим.

Кредит-валюта снёсати, чет эл қарзлари, истеъмол бозорини товарлар билан бойитиш ва ундаги кескин тақчилликни камайтириш мақсадида импорт структурасини ўзгартириш соҳасида бундан буёнги тадбирларимиз тўғрисидаги аниқ-равшан таклифларга келганда шуни айтиш керакки, буларнинг ҳаммасини қайта-қайта синчиклаб чамалаб кўриш ва тегишли қарорларни қабул қилиш лозим.

Айтилган гапларнинг баъзи якунини чиқариб, шуни яна бир карра таъкидламоқчиманки, янги тузилган ҳукумат, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари халқ ҳўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш, туб иқтисодий ислоҳот чуқурлаштирилиши, мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг гоят хилма-хил барча шаклларидан фойдаланишга изчиллик билан ўтилиши, фан-техника тараққиёти авж олдирилиши, мен муфассал тўхталиб ўтмаётган бошқа муҳим муаммолар (чунки бу муаммолар съездда ҳукуматнинг келгусидаги фаолияти тўғрисида қилинган докладда етарлича тўлиқ ёритилган эди) муносабати билан давлат органларининг вазифаларини ўзгартириш тўғрисида депутатларнинг таклифларини гоят эътибор билан ўрганиб чиқадилар.

Бу ишни биз Олий Совет билан, унинг комиссиялари ва комитетлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширишимиз лозимлиги шубҳасиз. Биргаликдаги ҳаракатларнинг тартиби юзага келадиган ҳар хил иш тартибига доир масалалар ҳали пишиқтирилиши лозим, албатта.

Ўртоқлар!

Комиссиялар ва комитетларнинг мажлисларида ўтган мунозаралар давлат лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш жараёни қақадар масъулиятли бўлиб қолганлигини кўрсатди. Шу минбарда икки-уч соат мобайнида туриб депутатларнинг ўйлаб берилган кўпдан-кўп ва жуда мушкул саволларига жавоб қайтариш қанчалик қийин эканлигига биз ҳаммамиз ишонч ҳосил қилдик. Мен бундай тартибни жуда хуш ёқадиган тартиб деб айтмасдим, аммо бунинг зарурлигига ва ҳукуматнинг барча аъзолари шундай «синовдан» ўтишлари лозимлигига мутлақо ишончим комил.

Мана шу парламент имтиҳонидан муваффақиятли ўтган ҳар бир киши халқнинг мухтор вакиллари ишончига сазовор бўлиши ҳам принципиал аҳамиятга эга. Бу нарса шубҳасиз, раҳбарлик лавозимларига кўрсатилган номзодларнинг обрў-эътиборига ва уларнинг шундан кейинги бутун фаолиятига ижобий таъсир ўтказади.

Депутатлар ҳукумат тақдим этган шахсий состав хусусидаги таклифларни принципиал жиҳатдан асосан қўллаб-қувватлаганликларини комиссиялар ва комитетлар ишининг асосий якуни деса бўлади. Шу билан бирга 6 киши бундай мададни ололмади.

Улар шундай даражадаги раҳбарларга зарур бўлган ташкилотчилик қобилиятлари ва касб-кор фазилатларига эга эмас, деб бўлмайди. Бироқ номзодларнинг социал-иқтисодий ва маданий турмуш у ёки бу соҳаси истиқболли йўналишларини қандай кўришларига нисбатан янги талаблар кескин ошиб кетди ва ўртоқларнинг ҳаммаси ҳам масъланинг бундай қўйилишига мос келмай қолишди.

Бунга шуни илова қилиш керакки, комиссияларда баъзан афтидан биз эътиборга олмай қолган, баъзида эса олдиндан билишга асло қодир бўлмаган талаблар олга сурилди. Бу мутлақо нормал ҳол бўлиб, биз уни мушкул қилиб кўрсатаётганимиз йўқ. Аксинча, талабчанликнинг ниҳоятда кучайганлиги, лоқайдликдан халос бўлинганлиги — жамиятимиз соғломлашганлигининг яққол далилидир.

Мана шу фактнинг ўзиёқ комиссиялар ва комитетлардаги муҳокамаларни таҳлил эта туриб гоят жиддий хулосалар чиқариш, таклиф этилаётган гапларни яна ҳам кўпроқ пухталик билан идрок этиш ва чамалаб кўриш мажбуриятини юклайди.

Комиссиялар ва комитетларнинг фаолияти натижасида улар қуйидаги ўртоқларни СССР Олий Советининг тасдиқлашига тавсия этмаслик фикрини ишлаб чиқдилар: Грамовни — физкультура ва спорт давлат комитетига, Захаровни — Маданият министрлигига, Богомяковни — Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигига, Розеновани — Давлат нархлар комитетига, Грибовни — Давлат банкига, Пўлатзодани — Сув ҳўжалиги қурилиши министрлигига. Бунга қўшилиш керакка ўхшайди.

Бундан ташқари Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети бўйича бўш лавозим бор эди, комиссиялар ва комитетларнинг иш жараёнида эса СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси, шунингдек станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри лавозимларига номзодлар муҳокамадан олинди.

Шундай қилиб, ҳозир ушбу сессияда тасдиқлаш учун таклиф этилаётган ҳукумат составида тўққизта бўш лавозим бор. СССР Конституциясига мувофиқ ана шу лавозимларни эгаллаш учун номзодлар қўшимча равишда тақдим этилади.

Шу билан бирга министр лавозимига кўрсатилган номзодга дахл қилишидан кўра кўпроқ халқ хўжалигининг йўналишларидан бирини янада ривожлантириш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Гап медицина ва микробиология саноати министрлиги тўғрисида боряпти. Бу министрликда дори-дармонлар ишлаб чиқаришга келганда, бу муаммо съездда, комиссиялар ва комитетларда ўткир муҳокама қилинди. Эндиликда тегишли чоралар кўриб, яқин йиллар ичида аҳволни ўнглаб олиш ва аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашни жиддий равишда яхшилаш зарур.

Айни вақтда бу тармоқда углеводород хом ашёси асосида микробиологик озуқа оқсили (БВК) ишлаб чиқаришда ниҳоятда кескин вазият вужудга келганлиги маълум. Бир вақтлар бу хусусда кенг программа қабул қилинган эди. Ҳозир мамлакатда 1 миллион тонна шундай оқсил ишлаб чиқаришмоқда. У ем-хашакни мувозанатга келтириш учун хизмат қилади.

Мамлакат жамоатчилиги шундай ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам, озуқада қўлланилаётган оқсил ҳам экологик жиҳатдан зарарли эканлиги тўғрисидаги масалани қатъият билан ўртага қўймоқда.

Масала шундан иборатки, бундай вазиятда нима қилиш керак?

Афтидан, муаммони икки қисмга ажратиш мумкин.

Биринчиси. БВК оқсили ишлаб чиқаришни 2 миллион тоннагача кўпайтириш борасида мазкур программанинг бундан буён амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш керак. Бунинг учун шундай оқсилни 1 миллион тонна миқдорида ишлаб чиқариш учун мўлжалланган янги объектлар қурилишидан ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришдан, шу жумладан, Томск, Оренбург, Сиктивкар, Кременчуг, Павлодар, Сизрань, Саратов, Уфа, Новополоцк, Пить-Ях ва бошқа шаҳарларда шундай янги объектлар қурилишидан ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришдан воз кечиш лозим.

Бундан ташқари ўн учинчи беш йиллик мобайнида ана шу оқсилни ишлаб чиқараётган корхоналарни экологик жиҳатдан соф бўлган бошқа маҳсулот турлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга изчиллик билан айлантириб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакатнинг бир қанча регионларида экологик вазиятни соғломлаштириш йўлидаги аниқ-равшан қадам сифатида принципиал муҳим, деб ҳисоблайман.

Масаланинг иккинчи қисми шундан иборатки, чорвачиликни ривожлантиришда биз оқсил муаммосини ҳал этмасдан иложимиз йўқ. Чунки бу муаммонинг ҳал этилмаганлиги ҳар йили 20-25 миллион тонна миқдорда донннинг ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Ўсимлик оқсилини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш бундан қутилишнинг йўлидир. Бу — ҳозир бутун дунё бораётган йўлдир. Ҳозирча эса биз бу соҳада белгиланган программадан икки баравар орқада қолмоқдамиз.

Саноат оқсили ўҳажмларининг камайиши аҳволни яна ҳам баттар чигаллаштириши мумкин. Шу боисдан биз бундай қарорни қабул қилар эканмиз, асосий вазифа барча иттифоқдош республикаларда ўсимлик оқсили ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтиришдан иборат эканлигини аниқ-равшан тасаввур этишимиз лозим.

Шундай шароитда мазкур министрликнинг куч-ғайратини дори-дармонлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга сафарбар этиш ҳамда уни СССР Медицина ва биотехнология саноати министрлигига айлантириш тўғрисида халқ депутатларининг таклифларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Мана шуларни эътиборга олиб, мен СССР Олий Советидан шу министрлик раҳбари лавозимига ўртоқ В. А. Биков номзодини кўриб чиқишни ва шу хусусда ижобий қарор қабул қилишни сўрайман.

Унинг номзоди уч комиссиянинг мажлисларида муҳокама қилинди, улардан бири юқорида баён этилган сабабларга кўра, ижобий тавсиянома бермади. Айни вақтда, барча комиссиялар ўртоқ Биковнинг юксак даражада билимдонлиги, касб-кор маҳорати ва ташкилотчилик қобилиятларини қайд этиб ўтдилар.

Мен баён этилганларни эътиборга олиб шу таклифни киритмоқдаман.

СССР Олий Совети комитетлари билан унинг палаталари комиссияларининг мажлисларида бўлиб ўтган муҳокамалардан келиб чиқиб, СССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида аниқланган таклифларни ҳамда СССР ҳукуматининг состави тўғрисидаги қарор лойиҳасини қабул қилишни ҳам сўрайман.

* * *

Ўртоқлар!

Янги ҳукумат ҳал этиши лозим бўлган вазифалар халқ депутатлари съезднинг қарори билан белгиланган. Шу вазифаларни амалга ошириш мамлакатнинг барқарор жўшқин социал-иқтисодий ривожланишини таъминлаши лозим. Янги тузилган СССР Министрлар Советининг асосий қараст программаси мана шулардан иборат.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ •

ПАХТА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ

Жамият ҳаётини демократиялаш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан иқтисодий усулларга ўтиш ва ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш борасида КПСС Марказий Комитетининг шу йил март Пленуми қарорлари муҳим роль ўйнаяжаги шубҳасиз. Улар агросаноат комплексини планлаштириш ва бошқаришни яхшилаш учун, мамлакатнинг турли хил регионлари ва зоналарига хос хусусиятларни ҳамда манфаатларни янада тўлароқ ҳисобга олиш учун қулай имкониятлар яратиши ҳам муқаррар. Худди шу асосда республика матбуоти саҳифаларида ва қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни оқилона ривожлантириш масалаларига бағишланган кўплаб кенгашларда қизғин баҳслар бўлди.

Баҳслар жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши структурасини янада такомиллаштириш, табиий ва ишлаб чиқариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўллари ҳақида қатъий таклифлар айтилди. Айниқса, пахта етиштириш ҳажми ҳақидаги масала ўткир қилиб қўйилди. Бу фикрлар кенг, хилма-хил бўлди; пахта тайёрлаш юзасидан таклифлар 3 миллион тоннадан 5—5,5 миллион тоннагача «тебраниб» қолди.

Республика агросаноат комплексини ривожлантиришга оид умумий стратегияда мунозара ниятрокчиларнинг қарашлари яқдил. Бу — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлаш, пахта монокультурасига барҳам бериш, алмашлаб экишни кенг жорий этиш, пировардида, тупроқни соғломлаштириб, пестицидлардан фойдаланишни камайтириш ва ниҳоят, атроф-муҳит муҳофазасини тубдан яхшилаб, минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш ҳамда мелиорация ва сув сифатини яхшилашга эришмоқ йўлидир.

Биз бу фикрларга тўла қўшиламиз ва уларни республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш умумий концепциясининг асосий принциплари, деб ҳисоблаймиз. Лекин айни пайтда масалага ёндашувда пахта етиштириш ҳажми — тўрт миллион тонна бўладими ёки беш миллион тонна бўладими — бу ҳақда ҳали ижобий-салбий жиҳатлар тўла айтилганича йўқ. Зеро, бугун пахта етиштиришнинг мақбул ҳажмини аниқлаш билангина иш битмайди. Ҳолбуки, бу концепцияни қай йўл билан амалга ошириш мумкин, деган савол юзага келади. Саволга тўғри жавоб бермоқ учун қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кенгроқ назар ташлаш, фақат пахтачиликдаги кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, бош вазифа — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаша даъват этилган хўжаликларнинг мавжуд мураммоларига эътибор бериш лозим. Қандай шароитда алмашлаб экишни сўзсиз жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш билан бирга пахтачилик ва чорвачиликнинг мақбул нисбатига эришиш, кўпроқ маҳсулот олиш, юқори рентабелликни таъминлаш, қатъий чекланган ишлаб чиқариш фондлари ҳамда капитал маблағлардан оқилона фойдаланиш масаласини ҳам ҳал этиш керак. Шунингдек, республика қишлоқ хўжалиги структурасини тубдан қайта қуриш учун қандай объектив имкониятлар борлигини қатъий аниқлаб олиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Дарвоқе, бу масала биз учун янги эмас. Масалан, ўтган йиллар мобайнида республикада мева-сабзавотчилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Ихтисослашган шоличилик зоналари барпо этилди, мева-сабзавот ва сут етиштириш табиий зоналари шаклланмоқда. 1970—1988 йилларда мева-узумчилик, мева-картошка-сабза в о т ч и л и к совхозларининг сони 71 тадан 255 тага, сутчилик, гўшт ва сутчилик совхозлари сони 28 тадан 67 тага, чўчқачилик совхозлари 7 тадан 16 тага, паррандачилик корхоналари 19 тадан 60 тага, шоличилик хўжаликлари 13 тадан 38 тага ва бошқа хўжаликлар 13 тадан 131 тага кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини амалга ошириш муносабати билан колхоз ва совхозларнинг ташаббускорлиги ривожлантирилмоқда, планлаштиришни хўжаликларнинг ўзида амалга оширишга ўтилаётир. Ижара, кооперация ва интеграциянинг турли формалари такомиллашади, меҳнатга ҳақ тўлаш пировард натижага қараб амалга оширилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчилар билан келишилган нархларда сотиш кенг оммалашади. Натижада турли хил техника, ўғит, сув етарли бўлган шароитда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳисобига дала ва фермалар маҳсулдорлигини 1,5—1,8 баробар ошириш учун имкон яратилади.

Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари муаммосини олайлик. Ҳар бир киши учун камида йилига 124 килограмм ун ва ун маҳсулотлари, 64 килограмм картошка, 113 килограмм сабзавот, 89 килограмм полиз, 88 килограмм ҳўл мева, 25 килограмм узум, 64 килограмм гўшт, 380 килограмм сут ва сут маҳсулотлари керак бўлгани ҳолда уларнинг бир қисми, хусусан дон, картошка ва гўшт бундан буён ҳам четдан келтирилади. Республика аҳолисининг мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар минг нафар одам ҳисобига нормал даражада ҳосил берадиган (картошкадан ташқари) 30 гектар ер керак бўлади. Шундай қилиб, 20 миллион кишига 600 минг гектар сабзавот, полиз экиладиган ерлар, боғлар, токзорлар лозим. Ҳозир республикамиздаги колхозлар, совхозлар ва томорқа хўжаликларида 180 минг гектар ерда сабзавот ва полиз экинлари ўстирилмоқда. 214 минг гектар боғ, 127 минг гектар токзор бор. Жами майдон қарийб 520 минг гектарни ташкил этади. 2000 йилга бориб, аҳолининг ўсишини ҳисобга олиб бу майдонларни 700 минг гектарга етказиш лозим бўлади.

Кўп йиллик ўсимликлар экилган ҳозирги ерлар ҳажмидан оқилона фойдаланилса, ички талабни тўла қондириш билан бирга бошқа республикаларга маҳсулот етказиб беришни ҳам таъминлашмиз мумкин. Бу ҳозир колхоз ва совхозларнинг Москва, Ленинград, Урал ва Сибирдаги ҳамда мамлакатнинг бошқа регионларидаги саноат корхоналари билан тўғридан-тўғри алоқа қилаётгани муносабати билан айниқса муҳимдир. Бу келгусида мева, сабзавот, узум ҳосилдорлигини кескин ошириш вазифасини қўяди. Ҳозир ҳосилдорликни кўтариш имкониятларидан атиги 50 процент фойдаланиляпти холос. Сабзавот, мева, узум ҳосилдорлигини ошириш йўллари маълум. Бу борада ишлаб чиқаришга пудрат ва ижарани кенг жорий этиб, деҳқонда ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини тиклаш, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш жуда катта резерв ва имкониятларнинг ишга солинишига ёрдам бериши турган гап.

Ихтисослаштирилган хўжаликларнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Бизнингча, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш учун 180—200 минг гектар қўшимча ер лозим бўлади. Бунга бошқли дон экинларидан жуда кам ҳосил берадиган суғориладиган ерлар ҳажмини кескин камайтириш ҳисобига эришиш мумкин. Ҳозир республикамизда шундай ерлар 160—170 минг гектарга етади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши структурасини ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини асослашда тармоқларнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳар бир тармоқнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсишига, қишлоқнинг моддий-техника ва социал базасини қайта кенгайтиришга қўшадиган ҳиссаси муҳим роль ўйнайди. Масалан, пахта—пул ресурсларини тўлдиришнинг ягона манбаи. Суғориладиган майдонларнинг ярмидан камроғини эгаллаган бу экин колхоз ва совхозлар оладиган пулнинг 75 процентини беради.

1987 йилда қишлоқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм 18 тийин фойда берди. Бу кўрсаткич пахтачиликда 28 тийинни, сабзавотчиликда 20, боғдорчиликда 13, полизчиликда 10, фақат узумчиликда пахтачилик билан тенг — 28 тийинни ташкил этади. Гўшт ва картошка етиштириш учун сарфланган бир сўм ҳисобига 28 тийиндан зарар кўрилди. Умуман олганда чорвачиликдан 165—170 миллион сўм зарар кўрилмоқда. Социал ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш, умуман колхоз ва совхозларда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришига кетадиган маблағларнинг ўндан тўққиз қисми пахтачиликдан келадиган фойдадан олиняпти. Бошқача айтганда, бу тармоқ барча хўжаликларнинг экономикасини «ушлаб» турибди.

Ўн учинчи беш йиллиқда регионал хўжалик ҳисобининг жорий этилиши билан аҳвол ўзгаради. СССР Министрлар Совети қарори лойиҳасида техника экинлари хом ашёси мамлакатнинг бошқа регионларида қайта ишланса, олинадиган оборот солиғи шу хом ашёни ишлаб чиқарган республикага қайтарилиши кўзда тутилган. Агар республикамизда олинадиган толанинг ўндан тўққиз қисми бошқа регионларда қайта ишланиб, халқ истеъмоли моллари тайёрланишини кўзда тутадиган бўлсак, бериладиган дотацияни қоплашни ҳам ҳисобга олганда бу камида 2 миллиард сўмни ташкил этади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, баҳоларни ислоҳ қилиш пайтида пахта харид нархини кескин оширишни кўзда тутиш лозим. Буларнинг ҳаммаси пахтачилик самарадорлигини янада кўтаришга ёрдам беради. Зарур миқдордаги пахтани етиштириш — мамлакат экономикасини хом ашё билан, хусусан пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик комбинатлари, кийим-кечак фабрикалари, машинасозлик тармоқларининг юз минглаб ишчиларини иш билан таъминлаш демакдир.

Шуни унутмаслик керакки, **пахта тўқимачилик ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун хом ашёгина бўлиб қолмай, озиқ-овқат манбаи ҳамдир. Ҳар гектар пахтазор толадан ташқари 200 килограммдан знёд мой, 600 килограмм кунжара ҳам беради. Шунча миқдордаги кунжара 400 озуқа бирлигига тенг бўлиб, у 25 килограмм сўйилган вазнда гўшт ёки 200 килограмм сут олиш учун етарлидир.** Бундан ташқари 1 гектардан олинадиган 350 килограмм шелуҳанинг бир қисми моллар учун емиш сифатида ишлатилади.

Биз пахтачиликнинг мамлакат халқ хўжалиги учун аҳамиятини таъкидлаш билан бирга тармоқни деҳқончиликнинг илмий асосланган системаси ва айниқса, алмашлаб экишни кенг жорий этиш асосида олиб борилиши тарафдоримиз. Бу йўналишда анчагина ишлар қилинди. Кейинги йилларда чигит экиладиган майдонлар қисқарди. Келгуси уч-тўрт йилда эса суғориладиган майдонларни реконструкция қилиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига тоғ, тоғ олди, адир ва шўр ерлар бошқа экинлар учун бўшатиб берилади.

Ўзбекистон табиати юқори сифатли мева, узум, сабзавот етиштириш учун жуда қулай. Биз келажакда уларни етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Лекин бунинг учун аввало замонавий омборхоналар, музхоналар қуриш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини унумли, замонавий ускуналар билан жихозлаш, янгиларини барпо этиш, уларни транспорт воситалари билан таъминлаш, республикамизда ва республикамиздан ташқарида фирма магазиналари очиш керак. Афсуски, ҳозир бу борадаги ишларнинг суръати ҳам, кўлами ҳам қониқарсиз аҳволда.

Агар аграр соҳадаги сиёсатимизнинг бош мезони эл-юрт фаровонлигини таъминлашдан иборат экан, бунга эришишнинг ишончли йўли юқорида айтганимиздек, пахта тайёрлаш ҳажмини бирданига, кўп миқдорда камайтирмаган ҳолда республикамиз аҳолисини гўшт ва сут билан таъминлашни яхшилаш учун умумиттифоқ фондидан ҳозиргидек 145 минг тонна эмас, балки камида 1—1,1 миллион тонна гўшт ва зарур миқдорда сут ажратилишига эришишдир.

Бундан ташқари пахта харид нархини пахтакорлар моддий манфаатдорлигини таъминлайдиган ва уларнинг янада кўпроқ маҳсулот етиштиришни рағбатлантирадиган даражада ошириш жуда муҳимдир. Чунки кейинги 20—25 йил мобайнида пахтанинг харид нархи бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан 2—2,5 баробар паст суръатлар билан кўтарилди. Оқибатда жуда кўп муаммолар тўпланиб қолиб, уларни ҳал этиш бениҳоя мураккаблашиб кетди.

Шу билан бирга Ўзбекистонда аҳоли сони бошқа регионларга нисбатан анча тез ўсди. Булар биргаликда қўшилиб, аҳоли фаровонлигининг ниҳоятда пасайишига олиб келди. Оқибатда республикамиз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси мамлакатдаги қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасидан 40 процент паст. Жон бошига даромади Иттифоқда белгиланган кун кечиришга етадиган маблағнинг энг кам миқдоридан ҳам кам бўлиб турибди. Кейинги пайтда кишиларда норозиликнинг туғилиши, айниқса, Фарғона воқеасининг иқтисодий сабабларидан бири ҳам шу бўлди.

Ҳозир масалани ижобий ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири аҳоли турмуш даражасини пайсалга солмай жуда қисқа муддатда кўтаришдир. Бунинг учун аввало пахта ҳарид нархини жуда сезиларли даражада ошириш керак, деб ҳисоблаймиз. Биз ҳозир пахта билан бир қаторда пилла, чорва ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари харид нархларини ошириш устида жиддий шуғулланяпмиз. Яқин кунларда шу масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар тақдим этамиз. Муҳими шундаки, бу долзарб масалаларни ҳатто келгуси йилга қолдирмай шу йили, яъни 1989 йилнинг ўзидаёқ ҳал қилиш даркор.

Демак, қишлоқ хўжалиги структураси ва пахта етиштириш ҳажмини, аввало, кўтарилган социал ва иқтисодий масалаларни ижобий ҳал этиш ва эл фаровонлигини оширишни кўзда тутган ҳолда белгилаш керак.

Шу нуқтаи назардан биз юқорида пахта етиштириш ҳажми ва аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларига оид айрим вариантларни кўриб чиқдик. Бундан планлаштиришни тўғри ташкил этиш масаласи ҳам келиб чиқади. Чунки **шу пайтгача бизда планлар хўжаликларга асосан юқоридан берилар ва у муқаддас ҳисобланарди. Кўпинча белгиланган планлар бажарилларди-ю, аммо аҳоли дастурхони ночорлигича қоларарди.**

КПСС Марказий Комитетининг шу йил март ойида бўлиб ўтган Пленуми энди бундай практикадан воз кечиш, планлар асосан қуйи меҳнат коллективлари, яъни пудратчи ва ижарачи коллективлар иштирокида, уларнинг табиий-иқлим шароитлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда колхоз совхозларда тузилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз пахта, мева, сабзавот ва озуқа экинлари етиштириш қанча миқдорда бўлишини дала меҳнаткашлари ихтиёрига қўйиб бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Ана шунда мустақиллиқни, масъулиятни ҳис қилган деҳқонлар янада унумли ишлашлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан иложи борича кўпроқ ҳосил олишга интилишларига ишончимиз комил.

С. УСМОНОВ,
Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ академиги.

Ф. ҚАЮМОВ,
Бутуниттифоқ нархлар илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиали директори, иқтисод фанлари доктори.

АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

САМАРҚАНД, 27 июнь. (ЎзТАГ). Самарқанд области партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлди. Область партия, совет, маъмурий органларининг республика партия-хўжалиқ активлари йиғилиши қарорларини бажаришга доир вазифалари муҳокама этилди. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов доклад қилди.

Областда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи ҳам кўриб чиқилди. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг талаблари асосида ҳуқуқбузарликнинг социал жиҳатдан олдини олишни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

ФАРҒОНА ВОҚЕАЛАРИНИНГ АКС-САДОСИ

МИШ-МИШЛАРДАН КИМ МАНФААТДОР

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот марказининг маълумотларига қараганда, Фарғона водийсида ҳаёт тобора ўз изига тушмоқда. Саноат корхоналари, транспорт, хизмат соҳаси бир маромда ишламоқда, хўжаликларда экинларни парваришлаш юзасидан агротехника тадбирлари комплекси режали равишда амалга оширилмоқда, бошқа мавсумий қишлоқ хўжалик ишлари ҳам бажарилмоқда. Сўнгги кунларда меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган боғлар ва хиёбонларда ҳам осойишталик бузилган ҳодисалар бўлмади.

Бундай ҳолат Фарғона шаҳарлари ва қишлоқларидагина эмас, республикамизнинг бошқа регионлари— Наманган, Андижон, Тошкент областлари, Тошкент шаҳрида ҳам кузатилмоқда.

Партия ходимлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари ва фаоллари меҳнат коллективларида, аҳоли яшайдиган жойларда изчил иш олиб бормоқдалар. Улар Фарғона заминида рўй берган воқеалар хусусида ошкора суҳбатлашмоқдалар. У ерда юзага келган танглик ҳолатининг илдизлари ва сабабларини биргаликда аниқлашга интилмоқдалар. Ана шу танглик ҳолатидан чиқиш, социал-иқтисодий аҳволни яхшилаш имкониятларини, республика барча регионларида турмуш даражасини оширишни, турли миллат кишилари ўртасида дарз кетган ишончни қайта тиклаш йўлларини муҳокама қилмоқдалар. Одамлар умумий қийинчиликларимизни рўкач қилиб, миллатлараро душманликни авж олдираётган, ўзининг нопок, шармандали ўйинига бутун ўзбек халқини тортишга уринаётган бебошларнинг хатти-ҳаракатларини тобора қаттиқроқ ва ғазаб билан қораламоқдалар.

Воқеаларнинг бундай бориши нохуш кайфият уйғотишга ҳаракат қилаётган кишиларни, қайта қуришга қарши бўлган кучлар бошлиқларини қониқтирмаслиги табиий. Республикамизда қарор топаётган иқтимоий осойишталик ва тартиб уларга бевосита хавф туғдиради. Шундай қилиб, шаҳар ва қишлоқларда турли-туман миш-мишлар, уйдирмалар пайдо бўлмоқда. Мақсад одамларда шубҳа туғдириш, уларнинг асабини қўзғатиш, вазиятни ёндан чиқаришдир.

— Бу қандай миш-мишлар ўзи? — Биз Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковники М. П. Ивановга шу савол билан мурожаат этдик.

— Биласизми, ана шу мудҳиш, турган-битгани ифводан иборат уйдирмаларни қайта гапиришнинг ўзи кишида нафрат уйғотади... Масалан, руслар, яҳудийлар, татарлар, бошқа миллий гуруҳларга қарши навбатдаги қонли «ҳаракатлар» графиги тузилган, деган миш-мишни олайлик. «Курашчиларни қўллаб-қувватламаётган, иш ташлашлар ва тартибсизликларда қатнашишни хоҳламаётган ўзбекларни гўёки қандайдир оғир жазо кутаётган эмиш... Яна қанчадан-қанча ифво, уйдирмадан иборат гаплар. Бундай текшириб қаралса, уларнинг ғирт ёлғонлиги, сафсата эканлиги маълум бўлади.

— Ҳар ҳолда ана шу сафсаталарни текширарсиз?..

— Афсуски, бундай аччиқ тажрибага ўрганиб қолдик. Фарғона воқеалари шундай сафсаталарнинг, огоҳлантиришларнинг бирортасини, гарчи улар аҳмоқона ва ўйлаб топилган миш-мишлар бўлса-да, эътибордан четда қолдириш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Бундай сабоқ изсиз йўқолмайди. Бугунги милициямиз тартиббузарлар тиқиштирган бебошликлар авж олган кунлардагига ўхшамайди. Ходимларимиз ишонч билан, қатъийроқ ҳаракат қиладиган бўлдилар. Улар халқ, жамоатчиликнинг тобора кучайиб бораётган ёрдамига таянмоқдалар. Халқ ва жамоатчилик ёрдамида миш-мишларни тарқатувчилар, турли ифвогарлар тезда аниқланмоқда, улар фош этилмоқда.

Чунончи, 24 июнь куни милиция ходимлари Оққўрғон районида ифвогарликдан иборат миш-мишлар тарқатган қандайдир Собиров деган кишини ушлашди. У «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси заводининг ишчиси бўлиб чиқди. 25 июнь куни Тошкент шаҳрининг Куйбишев районида кар-соқовлар жамияти 3-УПТК қайдовчиси Турсунов ва «Ғалабанинг 40 йиллиги» кўчасида яшовчи Мансуров худди шу сабабга кўра қўлга олинди. Улар расмий равишда огоҳлантирилдилар. Энди улар ишлаётган коллективлар ўз сўзларини айтишади, деб ўйлаймиз.

— Берилган жазога қараганда, бу кишилар асосий айбдорлар сафидан эмас. Бу ерда гап, афтидан, одатда миш-мишлар тарқатувчи, масъулиятсиз вайсақилар ҳақида кетаётганга ўхшайди. Чунки улар аниқ ифвогарлик мақсадлари бўлган қасддан уйдирмалар тарқатувчи гуруҳларнинг ташкилотчилари эмаслар.

— Ҳали ундайлар ҳақида ҳам гапирамиз. Ҳозир жуда катта тергов ишлари олиб борилмоқда. Имконият бўлганида асосий айбдорларни ҳам албатта айтамиз ва уларнинг барча жиноий хатти-ҳаракатларини ошкор қиламиз.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЯЛПИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ—ДАВР ТАЛАБИ

Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бўлимларининг иш тажрибаси кўриб чиқилди ва умумлаштирилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова олиб борди.

Узоқ вақт мобайнида, деб таъкидлаб ўтилди мажлисда, ялпи иқтисодий таълим ғоялари мавҳум тарзда, аниқ-равшан корхонанинг, тармоқнинг ишлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган қандайдир бир юзаки нарса деб келинди. Завод, фабриканинг хўжайини туйғуси ҳақида кўп гапиридиг-ю, бироқ амалда ишчилар кўпинча унинг эҳтиёжларига лоқайд бўлиб қолавердилар, чунки уларнинг шахсий маошлари, моддий фаровонлиги корхонанинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига деярли боғлиқ эмас эди. Шу боисдан, ишлаб чиқариш-иқтисодий таълим тармоғида вақти-вақти билан ўтказиб турилаётган юзаки машғулотлар одатда амалий натижаларни бермас эди.

Корхоналар, совхозлар ва колхозлар хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтганлиги, уларнинг мустақиллиги ошиб бораётганлиги меҳнат коллективларини экономика муаммолари билан яқиндан шуғулланишга ундади. Тобора кўпроқ оддий меҳнаткашлар ҳозир конкрет экономика асосларини билмай туриб, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш саркорларигина эмас, балки уларнинг ўзлари ҳам ҳеч иш қила олмасликларини тушуна бошладилар. Ҳар бир киши ҳисобкитоб қила олиши керак — ўтган йилдан бошлаб ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимнинг бутун системаси мана шу позицияда туриб, тубдан қайта ташкил этилмоқда. Ана шу ўзгартишларнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар замонда бир ўтказиладиган, қисқа муддатли ва тўғрисини айтганда ҳеч қандай аниқ-равшан натижаларга олиб келмайдиган машғулотлардан узлуксиз таълимга, кадрларни доимий тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ўқишнинг сифати ва самарадорлигини кескин оширишга ўтиш зарур.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг бўлинмалари республикада биринчилардан бўлиб, 1987 йилнинг 1 январидан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтдилар. Шу боисдан бу ерда янгича таълим системасини жорий этиш ҳам бошқа кўпгина тармоқларга қараганда эртароқ бошланганлиги табиийдир. Ҳозир бу тармоқда муайян тажриба тўпланган бўлиб, у кўплаб корхоналар ва ташкилотларга наф келтириши мумкин. 1986 йилнинг ноябридан 1988 йилнинг ноябригача бўлган даврнинг ўзидагина бу ерда махсус ишлаб чиқилган программаларга мувофиқ ялпи иқтисодий таълим системасида 16770 раҳбар, мутахассис ва ишчи шуғулланди, бу эса жами меҳнатчиларнинг 81 процентини ташкил этади. Янгича хўжалик механизми принциплари асосий мавзу эди. Бажарилган иш ходимларнинг хўжалик юритиш илғор усулларини эгаллашда иқтисодий билимларини амалда қўллашларига ва пировард натижада тармоқ корхоналари ва ташкилотлари фаолиятининг натижаларини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Министрликда министрнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилаётган махсус кенгаш ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимга доир бутун фаолиятни мувофиқлаштириб турибди. Барча трестларда ва кўпчилик бошқармаларда ҳам худди шундай органлар тузилган. Улар узлуксиз таълим системасини ривожлантириш комплекс программаси асосида ишламоқдалар, бу программа таълим жараёнини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлашни, ўқитувчи кадрларни танлаш, тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни, шунингдек, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, планлаштириш ҳамда меҳнаткашларга таълим беришнинг ягона методикасини, ҳисобга олиш ва ҳисобот шаклларини қўзда тутади. Бунда барча таълим шакллари бўйича аниқ-равшан планлар ишлаб чиқилган. Масалан, бу йил 16053 ходимдан жами 14929 нафари шуғулланиши аниқ маълум. Буларнинг 1066 нафари қайта тайёрлаш курсларида, 1668 киши иккинчи касбларга, 1705 киши ишлаб чиқариш-иқтисодий курсларда, 770 киши социалистик хўжалик юритиш мактабларида таълим олади ва ҳоказо. Бунда, хуллас, ҳам яқин вақтдаги, ҳам келгусидаги истиқболлар равшан.

Шундай бўлсада, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги системасида ишлаб чиқариш — иқтисодий таълимнинг узлуксиз циклини ташкил этишдаги барча муаммолар ҳал этилган дея олмаймиз. Структуравий жиҳатдан бу ерда ҳаммаси жойида кўринади. Аммо, ажойиб миқдор кўрсаткичлари (ҳисоботларга кўра деярли барча ходимлар қамраб олинган), афсуски ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам билимларнинг янги сифатига айланаётгани йўқ.

Оддий бир мисол келтирамиз. Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тузган бригада жойлардаги ишни текшира туриб «Узпромвентиляция» «Узэлектромонтаж», «Узсантехгазмонтаж», «Узстальконструкция» трестларининг Самарқанд монтаж бошқармаларида ўқиш қандай йўлга қўйилганлигини эътибор билан ўрганиб чиқди. Мазкур ташкилотларда тарқатилган анкеталарда: «Хўжалик ички ҳисоб-китоби ва ижара пудрати тўғрисида тушунчангиз борми?» — деган савол бор эди. Буни қарангки, сўралган кишиларнинг 44,3 проценти «йўқ» деб жавоб қайтарди. Бунинг устига сўралган кишиларнинг 74,3 проценти иш жойларининг аҳволини яхшилашга доир таклифларни ишлаб чиқишда қатнашмаётганлиги, 85,8 проценти ишлаб чиқиш жараёнини такомиллаштиришга доир ишланмалари қандай ва қаерда ҳисобга олинишини билмаслиги ҳам ўқишни ташкил этишдаги катта камчиликлардан далолат беради. Яъни мазкур ташкилотларда амалий икки томонлама алоқа йўлга қўйилмаган — таълим ҳақиқий турмушдан ажралган ҳолда олиб борилмоқда. Шунга мувофиқ самарали натижаларни ҳам кутмаса бўлади.

Ўқитиш савиясининг пастлиги, машғулот ўтказувчининг билимсизлиги ёки тингловчиларни аниқ-равшан ҳаётий вазиятлар ва ишлаб чиқаришдаги ҳоллар билан қизиқтира билмаслиги бунинг сабабларидан биридир. Машғулотларда амалий ўйинлар усулидан деярли фойдаланилмайди, кўпинча таълим эскича «монолог» услубида олиб борилади.

Моддий-техника базасининг етарли эмаслиги сабабларидан яна биридир. Машғулотлар кўпинча корхона раҳбарларидан бирининг кабинетида ўтказилади, кўргазмали қуроллар тўғрисида ҳеч ким жон куйдирмайди. Таълимнинг техникавий воситалари ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. Ваҳолонки, буларнинг ҳаммаси учун маблағ муттасил ажратиб турилади. Аммо шу маблағлардан ҳамиша ҳам шу мақсадда фойдаланилмаётган кўринади.

Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ходимларининг ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимидаги ишларнинг аҳволини пухта ўрганишга асосланган тавсияномаларида кўпгина аниқ-равшан маслаҳат ва истаклар бўлиб, улар ўқиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Корхоналарнинг социал-иқтисодий ривожлантириш планларига «Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими» деган бандни ҳам киритиш талаб қилинганлигини энг муҳим тавсиялардан бири деб эътироф этса бўлади. Ушбу масалаларда ҳар ким ўз билганича иш қилган вақтлар ўтиб кетмоқда, иқтисодий таълим тобора кўпроқ давлат аҳамиятига молик иш бўлиб қолмоқда, шу боисдан ҳам у тегишли тарзда ёндашишни талаб қилмоқда.

Бошқа бир нарса ҳам жуда муҳим. Республика саноатининг кўпгина тармоқларида ихтисослаштирилган лойиҳа-технология институтлари ва трестлари бўлиб, улар ўз иши соҳасига кўра, меҳнаткашлар таълимини ташкил этиш борасидаги юмушларнинг катта қисмини ўз зиммасига олишлари керак. Аммо уларнинг кўпи техник ахборот варақаларини бажонидил чиқаришади-ю, тарғиботнинг иқтисодий жиҳатларини мутлақо унутиб қўйишади. Бундай тарғибот эса етакчи ўрин тутиши керак. Қанчалик тезроқ бўлса, шунчалик яхши.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРАСИ ЎН КУНЛИГИ

Эртага республикамиз пойтахти Тошкентда анъанавий Ўзбекистон архитектураси кунлари бошланади. У 1 июлда нишонланадиган халқаро архитекторлар кунига бағишланган. Мазкур ўн кунлик доирасида Ўзбекистон Архитекторлар союзининг пленуми ўтказилиб, унда тарихий шаҳарларни қуриш ҳамда Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини реконструкциялаш муаммолари муҳокама қилинади. Меъморлар уйида, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларида тематик кўргазмалар очилади. 30 июнда эса «Ташгипрогор» институти меъморлари ишлаган ранг-тасвир ва график асарларнинг ким ошди савдоси уюштирилади. Айни пайтда жамоатчилик намояндаларининг Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош архитектура-планлаштириш бошқармасидаги учрашуви бўлади.

Умуман олганда, ўн кунлик программаси кенг ва ранг-баранг. Жумладан, 4 июлда меъморлар уйида Фурқат кўчасидаги, Анҳор соҳилидаги боғ зонасини, Халқлар дўстлиги проспекти ва майдонини реконструкциялаш ҳамда ўзлаштириш бўйича республика конкурсига келган ишларнинг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади. Конкурсга тақдим этилган лойиҳалар юзасидан истаган ҳар бир киши ўз фикр-мулоҳазасини билдириши мумкин. Шу боис қизиққан барча ўртоқларни муҳокамага таклиф қиламиз.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сирдарё область Ғаллаорол районидаги 50-автотранспорт корхонасининг илғор такси ҳайдовчиси Ҳамид Тоғаев аҳолига 38,7 минг сўмлик хизмат кўрсатиб, беш йиллик шахсий планини муддатидан бир ярим йил илгари адо этди. Шу муддатда 6 дона автошина, кўплаб эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материалларини иқтисод қилди.

Ҳамид Тоғаев корхонанинг жамоат ҳаётида ҳам актив иштирок этмоқда. У ўртоқлик судининг раиси сифатида ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомига риоя этилиши, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилмаслиги, йўловчилар ҳақига хиёнат қилмаслик борасида тарбиявий ишлар олиб боряпти.

Корхонада пешқадамнинг издошлари кўпайиб бормоқда. Ҳайдовчилардан Эркин Қурбонов, Абулқосим Чаққонов, Рафиқ Ҳасанов, Константин Заика, Соатбой Шобўтаев ва бошқалар вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг янги усулига ўтган коллектив белгиланган план топшириқларни мунтазам бажариб келяпти.

А. ОТАМУРОДОВ.

(«Совет Узбекистони»нинг навбатдаги сони 30 июнда чиқади).

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Ўзбекистон ССР 1989 йилги пул-буюм лотереяси учинчи чиқарилиши бўйича 23—24 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

3 ЧИҚАРИЛИШИ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 1.062000 сўм бўлган 730 та буюм ва 287270 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларига ҳам тўланади.

Масалан, серия номери 048167, билет номери 028 бўлган лотерея билети «Жигули ВАЗ-21063» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган. Бу—худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди.

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
047224	192*)	«Сонет» электрофони	220—00
047272	170*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
047274	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
047302	1—200	3 сўм пул ютуғи	—
047310	078*)	300 сўм пул ютуғи	—
047332	041*)	200 сўм пул ютуғи	—
047336	180*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
047374	054*)	250 сўм пул ютуғи	—
047375	090*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
047400	069	200 сўм пул ютуғи	—
047424	023*)	50 сўм пул ютуғи	—
047479	152*)	100 сўм пул ютуғи	—
047489	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
047498	160*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
047530	158*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
047559	154*)	250 сўм пул ютуғи	—
047563	146*)	300 сўм пул ютуғи	—
047593	043*)	250 сўм пул ютуғи	—
047606	016*)	«Циклон» пилесоси	56—00
047613	191*)	200 сўм пул ютуғи	—
047616	027*)	«Спектр-Ц-280» телевизори	755—00
047621	008*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
047633	051*)	«Сонет» электрофони	220—00
047648	041*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
047656	198*)	250 сўм пул ютуғи	—
047662	184*)	200 сўм пул ютуғи	—
047732	101*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
047749	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
047760	120*)	100 сўм пул ютуғи	—
047764	190*)	1000 сўм пул ютуғи	—
047775	102*)	200 сўм пул ютуғи	—
047778	085*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
047798	131*)	300 сўм пул ютуғи	—
047835	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
047839	047*)	200 сўм пул ютуғи	—
047842	162*)	250 сўм пул ютуғи	—
047860	179*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
047862	035*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
047880—	180*)	«Электроника» (МК-51» микрокалькулятори	70—00
047968	145)	200 сўм пул ютуғи	—
047976	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
047978	064*)	50 сўм пул ютуғи	—
047990	122*)	«Сонет» электрофони	220—00
048017	007*)	«Спектр-Ц-280» телевизори	755—00
048024	059*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
048038	111*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
048046	191*)	Электр шарбатсиққич	25—00
048079	154*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
048094	061*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
048111	076*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
048124	177*)	«Сонет» электрофони	220—00
048167	028*)	«Жигули» ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
048171	063*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
048172	106*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
048189	120*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
048192	139*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
048210	090*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
048211	200*)	50 сўм пул ютуғи	—
048228	183*)	200 сўм пул ютуғи	—
048247	103*)	250 сўм пул ютуғи	—
048287	094*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
048297	033*)	100 сўм пул ютуғи	—
048321	061*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
048326	071*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
048418	070*)	50 сўм пул ютуғи	—
048464	051*)	250 сўм пул ютуғи	—
048469	058*)	Гилам (2×3 м. арт.13-85)	450—00
048495	066*)	Электр шарбатсиққич	25—00
048498	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
048504	083*)	50 сўм пул ютуғи	—
048534	141*)	50 сўм пул ютуғи	—
048581	120*)	200 сўм пул ютуғи	—
048604	187*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
048627	133*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
048631	114*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
048659	1—200	3 сўм пул ютуғи	—
048660	085*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
048714	152*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
048732	029*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
048751	188*)	100 сўм пул ютуғи	—
048802	059*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
048816	051*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
048817	068*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
048821	003*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
048869	180*)	100 сўм пул ютуғи	—
048882	137*)	100 сўм пул ютуғи	—
048900	151*)	200 сўм пул ютуғи	—
048906	098*)	«Радиотехника 201» магнитофон-приставкаси	314—00
048921	124*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
048940	164*)	50 сўм пул ютуғи	—
048941	053*)	300 сўм пул ютуғи	—
048951	176*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
048969	142*)	«Циклон» пилесоси	56—00
049000	189*)	500 сўм пул ютуғи	—
049011	075*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
049025	123*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
049035	057*)	300 сўм пул ютуғи	—
049066	152*)	500 сўм пул ютуғи	—
049149	185*)	50 сўм пул ютуғи	—
049159	068*)	100 сўм пул ютуғи	—
049160	176*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
049176	091*)	50 сўм пул ютуғи	—
049177	163*)	300 сўм пул ютуғи	—
049225	119*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
049282	060*)	«Циклон» пилесоси	56—00
049287	031*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
049330	061*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
049337	016*)	50 сўм пул ютуғи	—
049364	131*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
049474	111*)	Электр шарбатсиққич	25—00
049492	042*)	200 сўм пул ютуғи	—
049507	048*)	Электр шарбатсиққич	25—00
049550	053*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
049567	117*)	1000 сўм пул ютуғи	—
049568	115*)	50 сўм пул ютуғи	—
049577	077*)	250 сўм пул ютуғи	—
049584	010*)	Электр шарбатсиққич	25—00
049641	147*)	Гилам (2×3 м. арт. 13-85)	450—00
049649	057*)	500 сўм пул ютуғи	—
049679	023*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
049697	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
049732	157*)	300 сўм пул ютуғи	—
049738	167*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
049768	183*)	«Циклон» пилесоси	56—00
049809	026*)	200 сўм пул ютуғи	—
049846	120*)	250 сўм пул ютуғи	—
049850	167*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
049851	159*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
049860	061*)	Электр шарбатсиққич	25—00
049871	1—200	3 сўм пул ютуғи	—
049898	076*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
049900	061*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
049906	085*)	250 сўм пул ютуғи	—
049917	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
049925	021*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
049937	101*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси)	314—00
049968	075*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
049973	173*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
049976	039*)	50 сўм пул ютуғи	—
050019	005*)	50 сўм пул ютуғи	—
050060	020*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
050083	087*)	100 сўм пул ютуғи	—
050131	126*)	Электр шарбатсиққич	25—00
050133	037*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
050134	058*)	100 сўм пул ютуғи	—
050150	041*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
050173	115*)	250 сўм пул ютуғи	—
050190	071*)	50 сўм пул ютуғи	—
050195	013*)	200 сўм пул ютуғи	—
050204	163*)	250 сўм пул ютуғи	—
050217	141*)	250 сўм пул ютуғи	—
050222	061*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
050244	028*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
050283	009*)	«Жигули» ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
050289	103*)	1000 сўм пул ютуғи	—
050299	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
050308	006*)	Электр шарбатсиққич	25—00
050312	200*)	Электр шарбатсиққич	25—00
050326	085*)	«Сонет» электрофони	220—00
050380	089*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
050390	049*)	250 сўм пул ютуғи	—
050421	183*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
050534	071*)	500 сўм пул ютуғи	—
050540	026*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
050544	037*)	Электр шарбатсиққич	25—00
050547	043*)	100 сўм пул ютуғи	—
050549	010*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00
050588	152*)	500 сўм пул ютуғи	—
050589	057*)	500 сўм пул ютуғи	—
050618	022*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
050622	161*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
050626	020*)	300 сўм пул ютуғи	—
050629	076*)	«Циклон» пилесоси	56—00
050637	192*)	500 сўм пул ютуғи	—
050654	131*)	Гилам (2×3 м. арт. 13—85)	450—00
050662	009*)	200 сўм пул ютуғи	—
050745	089*)	250 сўм пул ютуғи	—
050817	021*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
050864	015*)	«Циклон» пилесоси	56—00
050868	135*)	«Жигули» ВАЗ-21063 автомашинаси	9023—00
050871	046*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
050907	029*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
050912	111*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
050914	199*)	250 сўм пул ютуғи	—
050970	178*)	500 сўм пул ютуғи	—
050991	049*)	100 сўм пул ютуғи	—
051021	082*)	1000 сўм пул ютуғи	—
051034	128*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
051062	150*)	500 сўм пул ютуғи	—
051082	105*)	1000 сўм пул ютуғи	—
051088	029*)	1000 сўм пул ютуғи	—
051100	1—200	5 сўм пул ютуғи	—
051119	005*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
051138	189*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
051209	138*)	100 сўм пул ютуғи	—
051232	025*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
051238	051*)	200 сўм пул ютуғи	—
051240	187*)	100 сўм пул ютуғи	—
051250	146*)	500 сўм пул ютуғи	—
051252	112*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
051253	012*)	1000 сўм пул ютуғи	—
051267	020*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
051300	046*)	«Сонет» электрофони	220—00
051343	035*)	«Циклон» пилесоси	56—00
051414	187*)	«Циклон» пилесоси	56—00
051442	167*)	250 сўм пул ютуғи	—
051474	168*)	100 сўм пул ютуғи	—
051479	059*)	50 сўм пул ютуғи	—
051498	101*)	50 сўм пул ютуғи	—
051536	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
051551	199*)	«Сонет» электрофони	220—00
051560	159*)	1000 сўм пул ютуғи	—
051570	132*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
051617	007*)	500 сўм пул ютуғи	—
051650	178*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
051659	141*)	200 сўм пул ютуғи	—
051663	010*)	500 сўм пул ютуғи	—
051675	135*)	«Рекорд-Ц-275» телевизори	720—00
051709	010*)	100 сўм пул ютуғи	—
051725	024*)	50 сўм пул ютуғи	—
051727	097*)	300 сўм пул ютуғи	—
051731	176*)	200 сўм пул ютуғи	—
051734	033*)	200 сўм пул ютуғи	—
051737	016*)	100 сўм пул ютуғи	—
051801	169*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
051828	070*)	200 сўм пул ютуғи	—
051851	032*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
051855	186*)	200 сўм пул ютуғи	—
051874	033*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
051882	066*)	300 сўм пул ютуғи	—
051897	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
051919	137*)	300 сўм пул ютуғи	—
051935	023*)	100 сўм пул ютуғи	—
051941	200*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
051971	111*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
052008	033*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
052032	1—200	3 сўм пул ютуғи	—
052059	155*)	300 сўм пул ютуғи	—
052080	170*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1862—00
052082	096*)	Гилам (2×3 м. арт. 13—85)	450—00
052084	181*)	300 сўм пул ютуғи	—
052142	026*)	250 сўм пул ютуғи	—
052144	152*)	250 сўм пул ютуғи	—
052157	071*)	«Тайфун» пилесоси	46—00
052163	171*)	500 сўм пул ютуғи	—
052183	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
052185	097*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
052188	192*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
052190	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
052200	089*)	200 сўм пул ютуғи	—
052210	149*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
052215	188*)	«Радиотехника-201» магнитофон-приставкаси	314—00
052219	028*)	1000 сўм пул ютуғи	—
052220	079*)	«Подольск» тикув машинаси	67—00
052241	127*)	100 сўм пул ютуғи	—
052266	069*)	100 сўм пул ютуғи	—
052285	010*)	«Жигули» ВАЗ-2108 автомашинаси	8462—00
052287	140*)	50 сўм пул ютуғи	—
052292	103*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
052355	132*)	100 сўм пул ютуғи	—
052398	161*)	50 сўм пул ютуғи	—
052416	023*)	500 сўм пул ютуғи	—
052426	121*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
052458	160*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
052499	039*)	«Спектр-Ц-280» телевизори	755—00
052516	081*)	500 сўм пул ютуғи	—
052519	010*)	250 сўм пул ютуғи	—
052524	140*)	300 сўм пул ютуғи	—
052585	074*)	1000 сўм пул ютуғи	—
052605	1—200	25 сўм пул ютуғи	—
052622	149*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
052624	079*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
052629	154*)	Деворга осиладиган кварцли соат	35—00
052630	193*)	Гилам (2×3 м. арт. 13—85)	450—00
052814	173*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
052820	137*)	50 сўм пул ютуғи	—
052887	165*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
052894	116*)	300 сўм пул ютуғи	—
052895	068*)	100 сўм пул ютуғи	—
052916	123*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
052918	035*)	«Рига-24-Дельта» мопеди	245—00
052927	193*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
052953	021*)	«Сонет» электрофони	220—00
052956	1—200	10 сўм пул ютуғи	—
052988	011*)	Полос (2×3 м. арт. 10300 ва 10306)	84—00
052991	050*)	«Электроника-МК-51» микрокалькулятори	70—00
053020	196*)	«Зенит-ЕТ» фотоаппарати	100—00
053047	147*)	«Вега-331» магнитоласи	260—00

*) Шу серия билетларининг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Жигули — ВАЗ-21063, 2108 автомашиналари, «Урал» ИМЗ,—8 103 мотоцикллари, «Подольск» тикув машинаси, «Циклон» ва «Тайфун» пилесоси, электр шарбатсиққичлари СССР жамғарма банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан, «Узбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади. Қолган буюм ютуқлари жамғарма банкларида лотерея билети олдиндан текшириб кўрилгач жойлардаги магазинлар орқали берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғарма банкларида ҳам тўланаверади. Шу жамғарма банкларидан буюмларни талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1990 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғарма банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиқканидан кейин тўланади.

Эслатма: 1. Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар шунга ўхшаш бошқа маркадаги буюмлар билан алмаштирилади.

Буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитети раиси Ш. Х. ХИКМАТОВ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — А. М. ҲАЙДАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
1989—1990 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: ўзбек халқ чолғу асбоблари, оркестр чолғу асбоблари (торли ва пуфлама созлар), хор дирижёрлиги, фортепиано, музикашунослик ўзбек тилида), композиция, якка (ананавий ва академик) хонандалик.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: музикашунослик (ўзбек ва рус тилларида).

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА: якка (анъанавий ва академик) хонандалик, композиция.

Ҳужжатлар 5 июлгача қабул қилинади.

Консультациялар 5 июлгача ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари 6 июлдан 25 июлгача олинади.

Талабалар сафига қабул 26-30 июль кунлари ўтказилади.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатларни кўшиб топширадилар: ўрта махсус таълим ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), ўқув юрти тавсияномаси ва иш жойидан характеристика (маъмурият тасдиғи билан), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳужжатлари шахсан кўрсатилади.

Адрес: 700035, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй. Телефон: 33-52-74.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989 йилга
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Республика ҳунар-техника билим юрти савдо соҳалари бўйича қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:

Барча профилдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.

Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Шунингдек озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (саноат) товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8, 9) маълумотли 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқишга Ўзбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра ўқишни битириб бўлгач олий ўқув юртига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош Универсал магазинида ва Универсамда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика, шаҳар савдосининг ва область савдо бошқармасининг йўлланмаси.

Ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I, II группа инвалиди фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобурқўчаси, 3-уй (13, 79-автобусларнинг «Тез ёрдам медицина клиникаси», 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

Министрликнинг планлаштириш, молия, ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармасининг бош бухгалтери

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 5 июлгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри 129-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар — 44-22-81, 44-29-78, 44-29-98.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Оққуш кўли**, 29/VI да **Сўғд элининг қоплони**, 30/VI да **Спартак**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VI да **Муҳаббат навоси** (премьера, 19, 30).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги аппарати коллективи масъул ходим И. У. Арслонбековга отаси

Умарбек АРСЛОНБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ҳузуридаги колхозлар ва совхозлар таянчи ҳамда агросаноат комплекси тармоқларидаги илғор тажрибаларни тарғиб қилиш жамоатчилик институти коллективи институтнинг собиқ ходими, партия ва меҳнат ветерани

Умарбек АРСЛОНБЕКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика озиқ-овқат ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси коллективи «Лаззат» Янгийўл кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси директори

Абдулҳамид ҲАМЗАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институти коллективи институт ходими

Гулсара Рустамовна ТОШМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институти коллективи илмий ходим А. Расулевга рафиқаси

Луизахон Тўлқиновна РАСУЛЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04192. Б. — 152. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12